



№91-92  
2019-йил, 12-ноябр  
Seshanba (32.582)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

# O'zbekiston OVOZI

2019 йил

22 декабрь

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлигига сайлов қуни.

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ЕВРООСИЁ МИНТАҚАСИДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА ҲУДУД

Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида 10-11 ноябр кунлари «Валдай» халқаро мунозара клубининг X Осий конференцияси бўлиб ўтди.

2004 йилда ташкил этилган «Валдай» мунозара клуби таниқли халқаро экспертларнинг россиялик олимлар, сиёсатчилар ва давлат арбоблари билан учрашувлари учун қулай платформа сифатида қайд этилади. Клубнинг бугунги кундаги фаолияти асосан глобал сиёсий ва иқтисодий жараёнларни тадқиқ этишга йўналтирилган.

Ташкил этилгандан буён клуб ишида 74 мамлакатдан мингдан ортиқ эксперт қатнашган. Нисбатан ёш бўлишига қарамасдан, ушбу мунозара майдони халқаро экспертлар жамоатчилиги томонидан энг нуфузли тузилмалардан бири сифатида тан олинган.

«Валдай» клуби тадбирларида дунёда муайян таъсир кучи ва доирасига эга кучли экспертлар, таҳлилчи ва мутахассислар тўпланади. Улар муҳим муаммолар ечими бўйича қарорлар ишлаб чиқиш жараёнида иштирок этади, жаҳон иқтисодиёти ва сиёсатининг долзарб масалаларига оид тақлифларни муҳокама қилади.

Мамлакатимиздаги етакчи тадқиқот маркази, халқаро сиёсат, иқтисодиёт ва хавфсизлик масалаларига иқтисодлашган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти «Валдай» клубининг X Осий конференциясини ташкил этиш ва ўтказишда мазкур тузилма билан яқин ҳамкорлик қилди.

«Марказий Осий ва Евроосий: глобал тартибсизликларнинг олдини олиш бўйича кенг қамровли ҳамкорлик» мавзусидаги анжуманда 11 давлат, жумладан, Ўзбекистон, Россия, Хитой, Германия, Япония, Швеция, Ҳиндистон, Филиппин, Қозғоғистон, Қирғизистон ва Тожикистондан 80 дан ортиқ таниқли эксперт иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг анжуман қатнашчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.Махмудов ўқиб эшиттирди.

Давлатимиз раҳбарининг табригида қайд этилганидек, Марказий Осий Евроосий макони ва, умуман, геосиёсатда тобора муҳим роль ўйнамоқда. Қисқа вақт ичида Марказий Осий халқларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари тўғрисида минтақада мунозаралар юрди, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик муҳитини яратишга эришилди. Сиёсий ишонч юксак даражага кўтарилди. Бу эса бугунги кунда минтақадаги ҳаётнинг муҳим муаммоларини самарали ҳал этиш имконини бермоқда. Ўзбекистон Республикаси кўп томонлама минтақавий ҳамкорлики янада кенгайтириш тарафдори.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг анжуман қатнашчиларига табригини Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси В.Тюрденев ўқиб эшиттирди.

Россия Федерацияси Президенти ўз табригида Россия минтақанинг барча давлатлари билан ўзаро амалий, тенг ҳуқуқли асосда ҳамкорлик қилишга тайёригини билдириб, Евроосий минтақасидаги тинчлик ва фаровонлик глобал кўламдаги хавфсизлик ва барқарорлиқнинг муҳим шарти экани тўғрисидаги фикрга таянишни таъкидлаган.

Экспертлар конференция сессияларида Марказий Осий ва Евроосийнинг замонавий дунёда тутган ўрни, минтақавий ҳамкорлик, хавфсизлик, Осий ва Евроосий келажагига муносабат, макроминтақалар шаклланиши ва бошқа долзарб мавзулар юзасидан ўзаро фикр алмашди. Минтақанинг хавфсизлик масалаларини ҳал қилиш ва узоқ муддатли мақсадларга эришишга қўмақлаштириш мумкин бўлган кўп-томонлама ҳамкорлигини фаоллаштириш имкониятлари муҳокама қилинди.

— Самарқанд анжумани минтақа учун долзарб бўлган, халқаро даражада ажралиб турадиган масалаларга оид мавзуларни қамраб олган, — деди «Валдай» халқаро мунозара клубини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш фонди директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Фёдор Лукьянов. — Гарчи ҳудудлар ажратиб турса-да, биз учун айни пайтда Узоқ ва Яқин Шарқ билан боғлиқ муаммолар долзарб аҳамият касб этмоқда. Россия Евроосийдаги давлатлар билан ўзаро муносабатлардан холи ривожлана олмайди. Айни жараёнда ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан яхши муносабат йўлга қўйилиши биз учун айни мuddада. Минтақа

марказида жойлашган Ўзбекистон билан кенг миқёсли ҳамкорлик мавжуд муаммоларни ижобий ҳал этишда муҳим ўрин тутди. «Валдай» конференцияси бунинг учун қулай имконият-дир.

Анжуманинг Ўзбекистон — Россия махсус сессияси олдидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори Э.Орипов ҳамда «Валдай» халқаро мунозара клубини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси кенгаши раиси А.Бистрицкий ўрта-сида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда икки давлат экспертлари ўртасидаги ҳамкорлик, халқаро ва минтақалараро тадқиқотлар соҳасидаги алоқаларни фаоллаштиришга келишиб олинди. Ўзбекистон интеллектуал доиралари вакиллари бундан буён «Валдай» халқаро мунозара клуби тадбирларида, шунингдек, келажақда биргаликда амалга ошириладиган мақсадли лойиҳаларда мунтазам иштирок этиши таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда «Валдай» халқаро мунозара клубини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

— Ўзбекистон нафақат минтақа, балки хорижий давлатлар билан ҳам сиёсий келишувларни илгари суриш имкониятларидан самарали фойдаланмоқда, — деди Россия Фанлар академияси Е.Примаков номидаги Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар институтининг «Яқин Шарқ тадқиқотлари маркази» лабораторияси раҳбари Ирина Звягельская. — Барча давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни сақлаш ва ривожлантиришга интилоқда, жумладан, Россия билан ҳам. Ҳозирги кунда мамлакатларимиз ўртасида 27 миллиард долларлик икки томонлама келишувлар мавжуд. Ўзбекистонда 1000 дан зиёд Россия корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Илмий ва таълимий йўналишларида сезиларли натижаларга эришилди. Юзага келган муносабатларда икки томонлама манфаатларни ҳурмат қилиш ва ўзаро ишонч даражаси жуда юқори.

Анжуман якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори Э.Орипов ҳамда «Валдай» халқаро мунозара клубини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси кенгаши раиси А.Бистрицкий икки кун давомида сессияларда муҳокама этилган масалалар ва уларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритди.

— Икки кунлик анжуманда минтақада барқарорлиқни таъминлаш, Евроосий давлатлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш юзасидан муҳим фикрлар ўртага ташланди, — деди Э.Орипов. — Марказий Осий ҳақида, минтақа давлатлари ўртасида кейинги йилларда яхши қўшничилик ва ҳамкорлик алоқалари кучайгани тўғрисида фикрлар билдирилди. Марказий Осий давлатларида чегараларни делимитация ва демаркация қилиш, сув ресурсларидан фойдаланиш, транспорт коммуникация тизимлари бўйича мавжуд масалаларга ечим топилиди. Чегаралар очилиб, одамлар бир давлатдан иккинчисига ўтиб-қайтиши осонлашди. Табиийки, бу давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар кенгайишига хизмат қилди. Ҳозир минтақа давлатлари бу муносабатни янада ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда.

— Бугун Осий давлатлари жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида ҳам муҳим ўрин тутмоқда, — деди А.Бистрицкий. — Шу билан бирга минтақада глобал таҳдидларнинг олдини олиш борасида ҳам муҳим вазифалар турибди. «Валдай» халқаро мунозара клубининг X Осий конференциясида бу ҳақда кенг ва атрафли фикр алмашди. Лекин барча масалаларни бир конференция доирасида муҳокама қилишнинг имкони йўқ. Шу боис ушбу йўналишда келгусида ҳам ҳамкорлик қилиш, биргаликда тадқиқотлар олиб боришга келишиб олдик. Самарқанд анжумани клубимиз фаолиятида алоҳида аҳамият касб этадиган, тарихий тадбир бўлди, дейишга тўла асосларимиз бор.

Халқаро конференция қатнашчилари тадбир доирасида Самарқанд шаҳридаги тарихий-маданий ёдгорликлар, диққатга сазовор жойлар билан яқиндан танишди.

Ғолиб ҲАСАНОВ,  
Ғайрат ХОННАЗАРОВ,  
ЎЗА мухбирлари.

## САЙЛОВ КОДЕКСИДАН

### 23-модда. Участка сайлов комиссиясини тузиш

Участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси томонидан сайловга камида қирқ кун қолганида беш-ўн тўққиз нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади.

Агар комиссия етти нафаргача аъзодан иборат таркибда тузилса, раис ва котиб сайланади.

Зарур бўлган ҳолларда, участка сайлов комиссиясининг сон таркиби ўзгартирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналарида участка сайлов комиссияси раисининг вазифаларини ушбу ваколатхоналарнинг раҳбари амалга оширади.

Участка сайлов комиссияси аъзоларига номзодлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан таклиф этилиб, бу номзодлар халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисла-рида муҳокама қилинади ҳамда тегишли округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади.

### 34-модда. Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партия сайлов комиссиясининг мажлисларида, ҳужжатларни топширишда, имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширишда, сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун ваколатли вакил тайинлашга ҳақли.

Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, сиёсий партия томонидан берилган ҳужжатни ва тегишли сайлов комиссиясининг мандатини ўз ёнида олиб юриши шарт.

## Бюджетномани тасдиқлашда бюрократияга йўл қўйилмайди



## Сайлов ҳуқуқи

Мамлакатимизда бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини юксалтириш, миллатлараро тотувлиқни мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Конституциямизда фуқароларнинг ирқи, миллати, тили, эътиқоди, шахси ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги тамойиллари ҳамда турли миллат ва эллар вакилларининг тили, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш, уларни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш қаролат-ланган.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республи-каси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловларни «Янги Ўзбекистон. Янги сайловлар» шио-ри остида юқори савияда, ошкоралик тамо-йиллари асосида ўтказиш борасида кенг қўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бўлиб ўтадиган сайловларнинг натижа-лари мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, давлат қу-рилиши, суд-ҳуқуқ ҳамда маънавий соҳа-лардаги ислохотлар ривожланишининг кейин-ги истиқболларини белгилаб беради. Сайло-ларнинг демократик, очиқ, ошкоралик, қо-нун устуворлиги каби тамойиллар асосида ўтиши қўп жиҳатдан мамлакатдаги иж-тимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий вазият

ҳамда мукаммал сайлов ҳуқуқи асослари-нинг мавжудлигига боғлиқ бўлади.

Мамлакатимизда давлат ҳокимияти органлари ва институтларини сайловлар йўли билан ташкил этиш борасида халқаро нормалар ва андозаларга тўла мос келади-ган тажриба шакллантирилди. Энг муҳими, сайловларни ўтказишнинг ҳуқуқий асосла-ри, яъни қабул қилинган Сайлов кодекси халқаро стандартлар ва андозалар талаб-ларига мос равишда яратилган.

Маълумки, демократия ҳақида сўз бор-ганда «миллати, дини, ирқи ва ҳоказолар-дан қатъи назар...» сўзлари бирикмаси албатта тилга олинади. Сабаби демокра-тиянинг асосий талаби ва принциплари шу: ин-сонга турли мансубликларидан қатъи назар тенг ҳуқуқ бериш.

Шу боисдан ҳар бир фуқароннинг демок-ратик ҳуқуқларини таъминлаш, байналми-лалчилик ва миллий озчиликнинг ҳуқуқла-рини ҳимоя қилиш борасида ўзгаришларни мунтазам амалга ошириш керак.

### МЕНИНГ ТАКЛИФИМ

## ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТЕСОЛ ДАСТУРИ АСОСЧИСИ

Менинг ёшим 22 да. Тошкентдаги Халқаро вестминстер университети 4-курс талабасиман. Инглиз тилига қизиқишим тўғрисида 17 ёшимдан ТЕСОЛ дастури билан қизиқиб қолдим. Бу дастур билан шуғулланувчи мутахассислар сони бугунги кунда 44 мингдан ошади. Ҳўш, ТЕСОЛ нима?

ТЕСОЛ – инглиз тилида «Теачинг Энглиш то Спекерс оф отхер Лангуажес». Унинг сертификатини қўлга киритган мутахассис нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг бошқа жойларида ҳам инглиз тили ўқитувчиси сифатида фаолият олиб бориши мумкин.

Мен инглиз тилини чуқур ўзлаштириш ҳамда халқаро инглиз тили ўқитувчиси, деган сертификатга эга бўлиш учун чет элга боришни режалаштирдим. Лекин унинг нархи сезиларли даражада қimmat бўлгани, ўқиш, яшаш харажатлари молиявий шароитимга тўғри келмагани учун курсга боровмадим.



2020 йилдан бошлаб Давлат бюджети қонун билан қабул қилинади ва халқ вакиллари томонидан назоратга олинади.

# Бюджетномани тасдиқлашда бюрократияга йўл қўйилмайди

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Шу кунларда парламентнинг куйи палатасида «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокама этилмоқда. Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси масъул этиб белгиланган қонун лойиҳасининг пишиқ-пuxта бўлиши учун Давлат бюджети бошқармаси мутахассислари ҳам жалб қилинди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси йиғилишида ҳам мазкур масала атрофлича кўриб чиқилди.

Айтиш керакки, миллий парламентимизда биринчи марта Давлат бюджети қонун билан мустақамланмоқда. Давлат бошқаруви секторининг бюджет борасидаги масъулиятини оширишга, бюджет ижроси интизомини янада мустақамлашга хизмат қиладиган мазкур лойиҳа ишлаб чиқилишининг дастлабки жараёнлариданоқ депутатлар фаол қатнашди.

Таъкидландики, давлатимиз раҳбарининг «Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, бюджет маълумотларининг очиқлигини янада ошириш мақсадида маблагларнинг шаклланиши ва сарфланиши устидан парламент ҳамда жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг янги тартиби белгиланган. Ушбу тизимга кўра, 2020 йилдан бошлаб Давлат бюджети қонун билан қабул қилинади ва халқ вакиллари томонидан назоратга олинади.

**Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОВЕВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Қонуннинг мақсади Олий Мажлис палаталари томонидан республика бюджети ажратмаларини тасдиқлаш, бюджет жараёни ва бюджет даражалари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. 2020 йил учун Ўзбекистоннинг консолидациялашган бюджет ҳамда уларни тайёрлаш учун асос бўлган макроиктисодий ривожланиш прогнозлари тўғрисида маълумотларни бериш ҳам назарда тутилди.

Шунингдек, республика бюджетини парламент томонидан, маҳаллий бюджетлар эса, жойлардаги маҳал-

лий Кенгашлар томонидан қабул қилинади. Қолаверса, харажатлар соҳалар бўйича эмас, вазирлик ва идоралар кесимида тасдиқланади. Идоралар мустақиллигини ошириш билан бирга, уларнинг харажатлар самараси учун масъулияти ҳам кучайтирилмоқда.

Республикаимизнинг бюджет тизими барқарорлигини таъминлаш мақсадида, тизим бюджетларининг 9 ойлик якунлари бўйича даромад прогнозларининг бажарилмаслиги ва жорий молия йилининг охиригача уларнинг келиб тушиши бўйича асослар бўлмаган ҳолларда бюджетнинг умумий харажатларини уч фоизидан юқори миқдорларда камайтириш Олий Мажлис палаталари томонидан Вазирлар Маҳкамаси таклифига биноан амалга оширилиши белгиланмоқда. Демак, эндиликда биз жуда ҳам жиддий ва янада катта масъулият билан мазкур масалага ёндашишимиз зарур. Чунки биз авваллари фақат Давлат бюджетини қабул қилардик. Маҳаллий Кенгашлар эса ўз бюджетини қабул қилишда марказдан етказилган рақамларга кўра тасдиқлаган.

Муҳокама этилаётган қонун лойиҳасига кўра, бундан бундан депутатлар республика вазирлик ва идораларининг бюджетлари Олий Мажлис томонидан тасдиқланиши, маҳаллий бюджетларнинг даромадларини эса, солиқ турлари бўйича ҳамда харажатларини бюджет ташкилотлари кесимида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ўзлари белгилаши кўзда тутилмоқда. Хулоса қилиш мумкинки, бу парламент назорати асосида ажратилган бюджет маблагларининг натижадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Маҳаллий Кенгашлар



ўзларига тегишли бўлган бюджетни қабул қилишда ҳақиқий мустақилликка эришади.

**Қаҳрамон МИРЗАЕВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Мазкур Қонун лойиҳасининг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, у орқали белгиланган чоралар бюджет ижроси жараёни бюджет маблагларини тасарруф этувчиларнинг жавобгарлигини оширади ҳамда давлат бюджети барқарорлигини таъминлайди. Шу билан бирга, қонун лойиҳасида аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш ва бюджет жараёни шаффофлигини таъминлаш мақсадида унинг барча иштирокчилари томонидан маблаглардан фойдаланишга доир ҳисоботларни, солиқ ва божхона имтиёзлари рўйхатини жойлаштириш, механизмни белгилөөчи алоҳида боб келтирилмоқда. Соддароқ айтганда, ушбу қонун билан Давлат бюджети

даромадларининг солиқ турлари бўйича харажатларини соҳалар кесимида Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан қайта-қайта тасдиқланишига ҳам барҳам берилади.

Тан олиб айтиш лозим, шу кунгача маҳаллий ҳокимликлар ўз бюджетларини қабул қилишда бирор-бир ваколатга эга бўлмаган. Қайси соҳада ортиқча, қай йўналишда маблагга эҳтиёж кўпроқлигини билган тақдирда ҳам жим туришга мажбур бўлган. Чунки фикрлар, таклифлар айтилган билан ўзгартириш имконсиз эди. Таклиф этилаётган қонун лойиҳасига кўра ушбу ваколатлар ўз эгаларига топширилади. Маҳаллий бошқарув органлари мустақиллиги таъминланади.

Ушбу муҳим ўзгаришлар палласида парламент вакиллари ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари зиммасига янада катта масъулият юқланади. Эндиликда масалага катта билим, тажриба ҳамда талабчанлик билан ёндашма-

сак, қонун қозғошда қолаверади. Давлат бюджетининг ҳар бир бандида кўзда тутилаётган маблагларни оқилона тақсимлаш учун биз жойларда халқимиз билан ўтказилаётган учрашувлар, ўрганишларда аниқланаётган муаммоларни, билдирилаётган таклифлар, талаб ва истакларни инобатга олишимиз зарур.

Фракциямиз аъзолари лойиҳа юзасидан электоратимиз манфаатларига алоқадор таклифларни берди. Масаланинг муҳимлиги ва долзарблигини инобатга олган ҳолда қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қўллаб-қувватлаймиз.

Йиғилиш давомида лойиҳа юзасидан мунозаралар бўлиб ўтди. Унда депутатлар ҳамда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар кенгаши фаоллари ўзларини қизиқтирган саволлар билан мунозаралар қилди.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## «Ишончли ижтимоий ҳимоя» биз учун принципиал аҳамиятга эга



Шарбат АБДУЛЛАЕВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши Фахрийлар кенгаши раиси:

— Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари юзасидан сиёсий партияларнинг нуқтаи назари, позициялари тобора мустақамланмоқда. Уларнинг дастурларида жамият ҳаётининг муҳим масалалари акс этяпти. Сиёсий партиялар вакиллик органларида кўпроқ ўринларни қўлга киритиш орқали ўз гоёларини амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг стратегик вазифаларини ҳал этишда сезиларли таъсир кучига эга бўлиб бормоқда. Шунинг учун ҳам сайловда ҳар бир сиёсий партия сайловчилар, аввало, халқ олдида ўта муҳим масъулиятли имтиҳондан ўтади. Айниқса, бу йилги сайловлардан халқимизнинг умиди катта. Парламент депутатлигига интилаётган номзодларга ҳам талаб жуда юқори.

Курултойда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлов учун ташкил этилган 150 та округда 150 нафар номзодимиз илгари сурилди. Делегатлар барча номзоднинг партия номидан сайловда депутатликка номзод бўлишини қўллаб-қувватлади. Эндиги муҳим вазифа партиямиз Сайловолди дастурини, депутатликка номзодлар илгари сураётган дастурлар тарғиботини кучайтиришдан иборат, албатта.

Бунда энг аввало аҳоли бандлиги, турмуш фаровонлиги, кучли ижтимоий сиёсатга асосланган иқтисодий ислохотларни давом эттириш масалаларига эътибор қаратиш зарур, деб ўйлайман. Чунки бу масала партиямиз Сайловолди дастурида асосий ўринни эгаллайди.

Жумладан, партия Сайловолди дастурида Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда **ногиронлар жамиятларига давлат субсидияларини ажратиш ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар меҳнати** учун марказлашган давлат инвестициялари ҳисобидан ихтисослаштирилган корхоналар ташкил этиш белгиланган. Ушбу корхоналарга ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат бошқаруви органлари томонидан давлат ижтимоий бюротиаси бериш тартиби бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш бўйича муҳим масалалар ўрин олган. Бу ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилишда катта аҳамиятга эга, албатта.

## «Халқ демократик партиясини танладим!»



Назokat МУХАММЕДОВА, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори:

— Қандайдир масалани ечиш учун турли хил фикрларнинг билдирилиши, таклифлар баён этилиши демократиянинг муҳим белгиларидан биридир. Тасаввур қилинг, ўз фикрингизни, таклифингизни ҳимоя қилиш, баҳсга киришиш, тортишувлар, муносабат билдириш, турли позицияларнинг илгари сурилиши — бу жуда қизик жараён. Яна бир аҳамиятли томони, бу муаммони ҳал қилиш, энг тўғри йўлни танлаб олишга хизмат қилади.

Ана шундай фаол ҳаёт тарзига қизиққанлигим учун келгусида сиёсатчи, депутат бўлишни орзу қиламан. Бунинг учун сиёсий партия сафида туриб, сиёсий-хуқуқий билимимни, фаоллигимни ошириб боришни мақсад қилганман. Узоқ вақт кузатувлардан сўнг, фикрларим гоёларига мослиги сабабли Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзо бўлдим.

Партиянинг янги Сайловолди дастурига, мақсад ва вазифалари билан танишар эканман, қизиқчанлик, орзуларимга эришиш ишончи янада мустақамланди.

Партиянинг янги Сайловолди дастурига киритилаётган долзарб ижтимоий масалалар, хусусан, «Яшаш минимуми» ва «Истеъмол саватчаси» тўғрисида қонунлар қабул қилиш зарурати тўғрисидаги таклифлари менга жуда маъқул бўлди.

Шунингдек, аҳолининг кўмакка муҳтож қатлами, жисмоний имконияти чекланган кишилар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган амалий саъй-ҳаракатлари ЎзХДПга бўлган интилишимни янада оширди.

Энди мен бор кучим, салоҳиятим билан ўзим аъзо бўлган партиянинг дастурий мақсадларини рўйбга чиқариш учун ҳаракат қиламан. Мамлакатимиздаги йирик партия аъзоси эканлигимдан фخرланаман.

## Хар маконда, хар доим Ўзбекистон ХДП сиз билан!

**Ўзбекистон ХДП Пискент туман кенгаши чегара ҳудудида жойлашган «Оқтом» маҳалла фуқаролар йиғинидаги 25-мактабда «Янгиланаётган Ўзбекистон — янги сайловлар» мавзусида тадбир ўтказди.**

Тадбирда партиянинг туман кенгаши раиси, туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Дилбар Комилова сайлов қонунчилигига оид ўзгаришлар ҳақида тушунча берди. Партиянинг Сайловолди дастури, гоёлари ва ташаббусларига алоҳида тўхталиб ўтди. Ижтимоий ҳимоя ва фаровонлик Ўзбекистон ХДПнинг бош мақсади эканини таъкидлади.

Учрашув давомида сайловга оид савол-жавоблар бўлди. Йиғилганлар ўзларини қизиқтирган масалаларда маълумотлар олишди. Мактабнинг 8 нафар ходими партиямиз сафига қабул қилинди. Шунингдек, мактаб жамоасидаги ҳамда маҳалладаги бир гуруҳ фаолларга совға-саломлар тарқатилди.

Шу кунчи Д.Комилова, туман ҳокимининг маънавият бўлими бошлиғи К.Мамажонов ва «Оқтом» МФЙ вакили биргаликда ҳудуддаги ёрдамга муҳтож, ёлғиз, ногиронлар ҳамда нурунийлар ҳолидан хабар олишди.

Хусусан, Иккинчи жаҳон уруши катнашчиси Эшбош Қўшмоқовнинг турмуш шароити ўрганилди. Шифокорлар томонидан доимий назоратда экани текширилди.

Шунингдек, 1951 йилда туғилган 1-гуруҳ ногирони Раҳима Болтабоева, 1946 йилда туғилган ёлғиз аёл Тожиниса Эргашевадан кўнгил сўралди. Улар уйларига газ туширишга амалий ёрдам беришларини илтимос қилишди. Зулхумор Жўраева 3 нафар фарзанди билан яшайди. Турмуш ўртоғи вафот этган. Шунинг учун ишга жойлашиш масаласида мунозарат қилди.

Ўрганилган хонадонлар назоратга олинди. Уларга ҳомийлар ва ташкилотчиларнинг совғалари топширилди.

**Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши Ахборот хизмати.**

## Жамоатчилик қабулхоналаридан фойда бўляптими?

### ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

Халқимизда берилган ваъда амали билан гўзал, деган нақл бор. Шу боис партияларнинг жамиятдаги нуфузи, таъсир кучини Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижросида кўрамыз. Сайловчилар, биринчи навбатда партия электорати вакиллари амалга оширилаётган ишлардан хабардор бўлсаларгина тегишли хулосаларни чиқара олади, сайлов жараёнида ҳолис баҳосини беради. Бунинг учун эса жойлардаги **Жамоатчилик қабулхоналари имкониятларидан унумли фойдаланиш самаралидир.**

— Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида жамоатчилик қабулхоналарига шахар бўйича 311 мунозарат бўлди, — дейди **Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши бўлим бошлиғи Гулчехра Холматова.** — Шулардан 226 таси халқ депутатлари шахар, туман Кенгашлари аъзолари ҳамда ҳамкор ташкилотлар кўмағида ижобий ҳал этилди, қолганларига хуқуқий маслаҳатлар берилди. Уй-жойи ва ер олиш, бандлик, ижтимоий ҳамда соғлиқни сақлашга доир масалалар ҳар ойда партиянинг маҳаллий кенгашлари ҳамда депутатлар иштирокида мониторинг қилиб борилди. Шунингдек, бугунги кунда жамоатчилик қабулхоналарининг фаолиятини кучайтириш учун соҳага доир ўқув қўлланмаларидан кенг фойдаланишга, моддий-техник базасини мустақамлаш, уларни замонавий компьютер ва коммуникация воситалари, зарур сиёсий-хуқуқий адабиётлар билан таъминлашга ҳаракат қилияпмиз.

— Мунозаратларни таҳлил қилиш жараёнида ҳудудларда аҳолини ташвишга солаётган муаммолар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишимиз мумкин, — дейди **Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Абдор Қурбонов.** — Масалан, ўтган даврда жамоатчилик қабулхонасига коммунал соҳага оид 28

маротаба, уй-жой ва ер олиш масаласида 6 маротаба, 66 та масала иш билан таъминлаш бўйича, ижтимоий ва соғлиқни сақлаш бўйича 62 та мунозарат тушган. Рақамлардан кўринадики, бандлик масаласи бугунги кунда ҳам долзарблигига эришмоқда. Демак, бу депутатлик гуруҳи аъзолари ҳамда партиямиз келажақда мазкур масалада ўз позициясини намоён этиб, ташаббуслорликни кўлдан бой бермаслиги кераклигини аналтади.

Шунингдек, мунозаратларга ҳудудлар кесимида эътибор қаратсак, партия Бектемир туманида аҳоли бандлиги, Сергелида эса ижтимоий масалалар ечимига эътиборни сусайтириш фаолиятини кучайтириш учун соҳага доир ўқув қўлланмаларидан кенг фойдаланишга, моддий-техник базасини мустақамлаш, уларни замонавий компьютер ва коммуникация воситалари, зарур сиёсий-хуқуқий адабиётлар билан таъминлашга ҳаракат қилияпмиз.

— Тан олиш керак, баъзи туман кенгашларидаги жамоатчилик қабулхоналарида эришилган натижа кўнгилдагидек эмас эди. Янада аниқроқ қилиб айтганда бу соҳада, ҳудудий партия кенгашлари томонидан мунозаратлар ечимига масъулият билан ёндашилмаган. Албатта, бу ҳолат сабаблари ўрганилди. Шундан сўнг жамоатчилик қабулхоналарининг фаолияти қайтадан таҳлил қилинди. Мазкур масалада улар билан алоҳида иш олиб борилди. Ўқув машгу-

лотлар, семинар-тренинг, давра суҳбатлари ўтказилди. Айтиш керакки, харажатлар ортидан ижобий натижалар кўзга ташлана бошлади.

— Авиасозлар-3, 10-уйда яшайман, — дейди **Нина Рижова.** — Уйимизнинг ертўла қисмида кўпдан бундан сув тўпланди. Сабабини ўрганишимизда қувурлар эскирганини билдик. Бу борада ташкилотларга, масъулларга мунозарат қилдик. Бироқ натижа бўлмади. Шу кунларнинг бирида Халқ демократик партиясининг аъзолари, депутатлари маҳалламизда сайёр қабул ўтказишди. Маҳалла раиси унда иштирок этишимиз кераклигини айтди. Чиқмаган жондан умид, дея қўшнилар билан депутатлар олдида бордик. Муаммо ҳақида маълум қилдик. Улар амалий кўмак беришга ваъда беришди. Ростки, масала ҳал бўлишига катта умид боғламагандик. Негаки, турли ташкилотлардан доим шундай жавоб олардиги, натижа бўлмасди. Кўп ўтмай, депутат масъулларни жалб этган ҳолда қувурларни алаштириб берди. Ҳозир ертўламыз қуруқ ҳолатда.

Депутатлардан яна бир масала хусусида кўмаклашишни сўрадик. Уйимиз атрофида шох ва ахлат тўпланиб қолаётганди. Тўғриси, бу виждон масаласи ҳам. Бироқ айтиш вақтида ҳолатдан келиб чиқадиган бўлсак, чоралар кўрилиши, назоратга олиниши лозим, деб ўйлайман. Бу масалада ҳам депутат ташаббус кўрсатди. Улардан жуда миннатдоримиз.

— Бугун қуруқ сўзлар, бандларовоз ишорлар билан кўпчиликни ортимиздан эргаштира олмаймиз, — дейди **Ўзбекистон ХДП Учтепа туман кенгаши раиси Салтанат Мухитдинова.** — Ҳар бир айтилган гапнинг устидан чиқилса, берилган ваъда бажарилсагина, одамлар партияга ишонди, сунанади. Бунга биргина жамоатчилик қабулхоналари фаолияти мисолида амин бўляпмиз. Қайси ҳудудда мунозаратлар сони, қўй бўлиб,

ижобий томонга ҳал этилса, ўша ерда партиямизнинг нуфузи ошиб бормоқда. Масалан, Учтепа туман кенгаши жамоатчилик қабулхонасига ўтган тўққиз ой мобайнида 36 мунозарат келиб тушди. Депутатлар, масъул ташкилотлар ҳамкорлигида уларнинг барчаси ижобий ҳал этилди. Албатта, бундан аҳоли вакиллари ҳам хурсанд.

Уйлайманки, жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини янада яхшилаш учун аввало ҳудуддаги партия кенгашлари депутатлар билан ҳамкорликда ишлаши яхши самара беради. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳар бир мунозаратни ўзимизнинг дардимиз, деб билиш лозим. Тўғри, бир мунозарат нимани ҳам ҳал қиларди, партия нуфузига ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатмайди, деб ўйловчилар ҳам орамидада йўқ эмас. Лекин бир мунозарат ортида ўнлаб, баъзан эса юзлаб инсонлар тақдирини турининг унутмаслик керак. Яқинининг оғри енгил бўлганини кўрган ҳар қандай одам дардини унга ишонади. Демак, бизнинг фаоллигимиз, дахлдорлигимиз кўп нарсани ҳал этади.

— Олий ўқув юртини тамомлаш арафасида ҳар бир битирувчида қаерда ишласам экан, кўнглимдагидай, ўзимга мос иш топа олармиканман, деган ўйлар бўлиши табиий, — дейди **Тошкент кимё-технология институтининг 4-босқич талабаси Гулҳаё Отабоева.** — Дўстларим Халқ демократик партияси Учтепа туманида сайёр қабул ўтказишгаганини айтиб қолди. Тўғриси, у ердан бирор натижа билан қайтишга ишонмаганим. Аммо қабул давомида ҳудуддаги 238-мактабга ишга жойлашиш учун йўланмага эга бўлдим. Курсдошларим ҳам ишга жойлашадиганимдан жуда хурсанд. Ҳаёлимда эса бир гап: партиялар ҳам амалий ёрдам берса бўларкан-ку!

**Махлиё АЛИҚУЛОВА,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Бугунги глобллашув жараёнида барча мамлакатлар имкони борица дунё бозорига кўпроқ ўз миллий товарини экспорт қилишга интилмоқда.

# Инновацион ишланмалар маънавий меросимиз тарғиботига хизмат қилади

ёхуд болалар учун маърифий, миллий мультимедиа маҳсулотлари ва компьютер ўйинлари яратилди

## ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Мамлакатимиз тараққиёти ривожланган давлатларда илғор технологиялар бўйича тажриба орттириб, билим ва кўникмаларини ватанимизда татбиқ этувчи ёшларга боғлиқ. Тахририятимиз меҳмони – Искандар Неъматжонов ана шундай ёшларимиздан. Бу йигит менежмент бўйича Германияда таҳсил олган, халқаро нуфузга эга бўлган мультимедиа компаниясида тажриба орттириб, Ўзбекистонга қайтгач, Тошкентда Мультимедиа марказини ташкил этди ва замонавий ахборот технологиялари ёрдамида бой маънавий меросимизни ёшлар ўртасида тарғибот қилишни асосий вазифа этиб белгилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Алишер Навоий асарларини мультимедиа ёрдамида янада кенгроқ тарғиб этиш лозимлиги ҳақидаги тавсияларидан илҳомланиб, буюк бобомизнинг «Хамса»-сига асосланган мультимедиа лойиҳасини амалга оширишга киришди ва 2018 йили қадимий миниатюра жанри усулида «Фарҳод ва Ширин: сеҳрли саргузаштлар» ва жажоки болажонлар учун «Мактабга тайёргарлик» номли маърифий компьютер ўйинларини яратди. Ушбу инновацион ўйин орқали асар мазмун-моҳиятини ёшларимизга етказиш учун уни Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимига тақдим этди. Ҳозирги кунда Искандар «Barsajdar Technologies» қўшма корхонаси билан ҳамкорликда Жанубий Корея инвестицияларини жалб этган ҳолда Алишер Навоийнинг дostonларига асосланган бешта маърифий компьютер ўйинини мужассамлаштирган «Хамса» лойиҳаси устида иш олиб бормоқда.

Искандарнинг Ахборот технологияларининг мамлакатимизни ривожлантириш, айниқса, ёшлар тарбиясидаги аҳамияти тўғрисидаги батафсил фикрлари билан қизиқдик. Ҳўкин, бу сиз тасаввур этганингиздан ҳам қизиқроқ.

— Фикрларингизни баён этишдан аввал газетхонларимизга ўзингиз ҳақингизда ва бугунги кунда олиб бораётган фаолиятингиз тўғрисида маълумот берсангиз...

— Аввало, фаолиятимга қизиқиш билдириб, замонавий ахборот технологияларининг ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр билдириш учун имкон берилганидан миннатдорман.

Мен 1980 йилда Андижон вилояти, Хўжабод туманида туғилганман. 2005 йилда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг халқаро ҳуқуқшунослик факультетида таҳсил олган, ўз ихтисослигим бўйича бир қанча муддат давлат идора-ларида ишладим.

2011 йилда Германия иқтисодиёти ва технологиялар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамкорлигида бошқарув кадрларнинг малакасини ошириш дастурида иштирок этдим ва ушбу дастур доамида оломларнинг дунёга машҳур вақт менежменти (Time management) ва сифат назорати (Quality Assurance) курсларини тингладим. Курсни тамомлагач, Германия иқтисодиёт вазирлиги биз, тингловчиларга ўзимиз истаган оломон ширкатиде малака ошириш имкониятини яратиб берди. Шунда мен Голливуднинг «Universal Pictures» кинокомпанияси билан ҳамкорлик қилувчи Animationsfabrik студиясини танладим. Ушбу студияда малака ошириш вақтида жажоннинг энг илғор мультимедиа маҳсулотларини тўлиқ ишлаб чиқариш тизимини ўрганишга ҳаракат қилдим. Ҳўнда ахборот технологияларининг имкониятлари нақадар кенглигини янада яхшироқ ангаддим.

Ўзбекистонга қайтгач, Германияда олган билим ва кўникмаларимни Ватанимизда татбиқ этиш мақсадида Мультимедиа марказини ташкил этдим. Истиқболдаги режалар бўйича ривожланиш концепциясини ишлаб чиқдим.


Фаолиятимизнинг илк кунлариданоқ ўзбек мумтоз адабиётини ёшлар орасида кенгроқ тарғиб қилишнинг самарали йўлларини излай бошладик. Биласиз, бу соҳада аниқ бир ишни, лойиҳани амалга оширмасдан туриб, мақсадга эришиб бўлмайди.

Президентимизнинг 2017 йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқини мен ҳам марок билан тингладим. Давлатимиз раҳбари ўшанда глобллашув ва ахборот коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг

муҳим вазифа эканлигини таъкидладилар. Шунда қалбимда истак пайдо бўлди. Ватанимизни дунёдаги ривожланган мамлакатлар даражасига ким олиб чиқади? Агар бугун бу иш менинг қўлимдан келмайди, десам ёки менга ўхшаган яна бошқа замондошим давр талабларидан ўзини четта тортса, ким келиб биз учун келажакимизни барпо этиб беради? Мамлакатда қанчалик шарт-шароитлар яратилмасин, агар биз, ёшлар ўзимиз эгаллаган соҳалар бўйича дунёнинг илғор тажрибаларини ҳаётимизга татбиқ этмас эканмиз, ҳеч нарса ўзгармайди. Ҳаёл ҳаёллигича, режа режаллигича қолаверади.

Ўша кунлари мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг «Хамса»си сюжети асосида «Фарҳод ва Ширин: сеҳрли саргузаштлар» номли маърифий компьютер ўйини сценарийсини ёзишга ўзимда куч ва рағбат сездим. Сўнгра ушбу сценарий асосида ҳамкорларим билан жажонда ҳали қўлланмаган – Урта Осиё миниатюра жанри усулида компьютер ўйинини ишлаб чиқдик.

Биламизки, Алишер Навоий асарларининг буюклиги – умуминсоний қадриятларнинг таранмун этилишидир. Лойиҳанинг айнан шундай асарга асослангани менга катта масъулият юклади. Уни методик жиҳатдан имкон қадар илмий асосладим, жажон олимларининг компьютер ўйинларини педагогик соҳадаги афзалликлари бўйича мақолаларини ўрганиб чиқдим ва амалиётда қўлладим. Ҳозирги замонда компьютер ўйинлари орқали инсон эътиборини тўлиқ қамраб олган ҳолда маълумотларни тўғридан-тўғри хотира ва онига етказиш имконияти катта. Бунда дастурда қўланилган сюжет, дизайн, мусиқа ва товуш каби барча унсурлар аҳамиятга эга. Ўйинимизнинг ҳам дизайни ва муси-



чиқиш, ҳаётга татбиқ этиш учун етарлича маблаг талаб қилинса керак. Маънавий жиҳатдан уларнинг нақадар фойдали эканлини англаган ҳолда лойиҳаларингиз келтирадиган иқтисодий фойда ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Жаҳон мультимедиа бозори 2018 йили 118 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Бу йўналиш йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Ўзбекистон эса 72 миллион АҚШ доллари миқдорда компьютер ўйинлари импортини амалга оширган. Эътибор беринг, ушбу кўрсаткич Ўзбекистон ҳудудидан бир йилда чиқиб кетаётган валюта оқимини кўрсатмоқда. Экспорт бўйича эса Ватанимизда бу йўналишда жудаям орқадамыз. Ён атрофимиздаги давлатлар жажон бозоридан ўз улушини олишга ҳаракат қилмоқдалар. Белоруснинг «Wargaming» номли компьютер ўйинлари ишлаб чиқувчи компанияси «World of Tanks» ўйини ёрдамида бугунгача миллиардлаб АҚШ доллари ишлаб топди. Россиянинг биргина «Маша ва айлқ» мультисериали 2017 йилга келиб, 225 миллион АҚШ доллари миқдориде фойда келтирди.

Бугунги глобллашув жараёнида барча мамлакатлар имкони борица дунё бозорига кўпроқ ўз миллий товарини экспорт қилишга интилмоқда. Бу товарлар ҳам моддий, ҳам маънавий йўналишларда ишлаб чиқарувчи учун катта имкониятлар-

лашмасидан кийим-кечак тикиш ва уларни сотиш, экспорт қилиш масалалари бўйича ўйин кўринишидаги мультимедиа орқали билимимиз, иқтидоримизни синаб кўришди. Демокриманки, мана шунақанги медиа ўйинлар орқали малака тўплаш, йирки корхона ва ташкилотлар фаолиятини замон талаблари асосида бошқариш, ривожлантириш мумкин. Савол шундай: Сиз таклиф қилаётган лойиҳаларнинг истеъмолчилари кимлар бўлади? Таклифларингиз ҳаётда ўз ўрнини топиши учун яна нималар қилиш керак?

— Бу борада ўзингизда ҳам тушунча бор экан. Компьютер ўйинлари бўйича долзарб мақолалари билан танилган «World gaming elites» халқаро журналидаги чиқишида Ўзбекистон ахборот технологиялари соҳасида келажакда юксак ўринга эга бўлишида етарли илмий, маданий ва иқтисодий салохиятга эга эканлигини кўрсатиб берганман. Биз яратётган ишланмаларимизнинг аудиторияси худди шу салохият тимсоли бўлмиш Ўзбекистон ёшларидир.

Мультимедиа ва ахборот технологиялари соҳасининг татбиқ этилиш кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Барча соҳаларда автоматлаштириш, рақамлаштириш жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Сунъий онг (artificial intellect, AI), виртуал рўйлик (virtual reality, VR), ўзгартirilган рўйлик (augmented reality, AR) ва ҳар қандай билимининг ўйин кўринишида осон ўқитиш (gamification) ривожланган давлатларда илмий фантастикадан оддий ҳаётга кўчганига анча бўлганига қарамаддан бизда ҳалигача кўп соҳалар эски ҳолатда қолиб кетмоқда. Албатта, бу каби лойиҳалар қанчалик кўп бўлса, соҳалар замон талаблари асосида тез ривожланади. Бизнинг марказимиз эса худди шу ривожланишга ҳиссасини қўишини ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

— Жудаям долзарб йўналишда иш бошлабсиз. Хабарингиз бор, 21 октябрь ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонланди. Она тилимизни мультимедиа воситалари орқали янада ривожлантириш борасида ҳам режаларингиз борми?

— Албатта бор. Она тилимизни ёшларимиз ва хорижий қизиқувчилар томонидан тўлақонли ўрганилишида электрон кўринишида маълумотларнинг қамлиги тўсиқ бўлмоқда. Келажакда ўзбек тили ва адабиёти бўйича мутахассислар билан ҳамкорликда қуйидаги уч йўналишда ишларни амалга оширмоқчимиз:

1. Ўзбек тили ва адабиётини глобал ахборот тизимига кириштириш. Бунинг учун биз учта вазифани амалга оширамиз:

1.1) «Wikipedia» — бутунжаҳон онлайн энциклопедиясига ўзбек маданияти, тарихи, тили ва адабиётининг контентини жойлаштириш;

1.2) Ўзбек маданияти, тарихи, географияси, иқтисодиёти, тили ва адабиётининг инглиз тилидаги электрон қомусини яратиш ва интернетга жойлаштириш, бу қомус яратилиб, чет эллик сайёҳларга хориждаги элчиҳона ва консулликларимиз орқали тарқатилса, юртимизга келадиган туристларни янада кўпайтирган бўлардики;

1.3) Google, Bing, Yandex, Mail.ru каби халқаро онлайн порталларнинг таржима платформаларида ўзбек тилининг тўғри жорий этилиши бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш;

## САЙЛОВ ҲУҚУҚИ

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва унинг манфаатларини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган кенг қамровли ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган «2017-2021-йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» доирасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган ислохотлар билан боғлиқ, бу эса ҳуқуқ демократик ислохотларнинг бошланишига олиб келди. Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан бири сифатида юртимизда миллатлараро тотувликини таъминлаш белгиланганлиги замонавий давлатнинг мақсади жамиятда ҳамжихатлик ва барқарорлиқни, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ҳимоя қилинишидан иборатлигида намоён бўлади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси ва Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро пакти Ўзбекистон Республикаси томонидан тан олинган ҳамда мазкур ҳуқуқий ҳужжатлардаги нормалар миллий қонунчилик тизимига сингдирилган.

Халқаро ҳуқуқ нормаларига кўра миллий озчилик ўз манфаатларини давлат ва жамият ишларида ҳамда вакиллик органларида сайловларда иштирок этиш орқали амалга оширишга тенг ҳуқуқли ҳисобланади. Бу сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, сиёсий партиялар тузиш ҳуқуқи кабиларда намоён бўлади. Мамлакатимизда барча фуқаролар миллатидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эга. Конституцияга кўра, Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этиши белгиланган бўлиб, улар жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгаллиги мустақамланган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 4-моддасига мувофиқ, фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотиининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эга.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистонда сайлов боғлеленлари ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида чоп этилиши мустақамланган. Амалда кам сонли миллатларнинг сайловда иштирок этиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Маълумки, сайловолди ташвиқоти сайлов кампанияси даврида сайловчилар номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашда муҳим ўрин тутди. Турли миллатлар манфаатларини инобатга олган ҳолда, сайловолди ташвиқот материаллари уч тилда, яъни ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида чоп этилади, номзодлар ҳам шу тилда ташвиқот олиб бериш имкониятига эга. Ташвиқот олиб борилаётганда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақтини ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароитлар таъминланади.

Сиёсий партиялар ўз партиявий газетасини ўзбек ва рус тилларида, Қорақалпоғистон Республикасида қорақалпоқ тилида чоп этади. Республика миқёсидаги газеталар томонидан номзодларга ўзбек, рус, тожик ва қозоқ тилларида ташвиқот учун бепул нашр майдони яратиб берилган. Масалан, «Народное слово», «Овози тожик» ва «Нурлы жол» газеталарида турли тилларда маълумотлар нашр этилади.

Ушбу муҳим сиёсий жараён бўйича хорижий оммавий ахборот воситаларида қатор хабар ва янгиликлар бериб боришмоқда. Хусусан, Туркиянинг «Anadolu» янгиликлар агентлиги мухбирларининг фикрича, мазкур сайловлар мамлакатни ривожлантиришнинг бешта муҳим устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган демократик ғоя ва тамойилларнинг амалдаги ёрқин ифодаси бўлишига ишонч билдирилади. Замонавий Ўзбекистон сиёсий ҳаётда, «Anadolu» ёзганидек, кўппартиявийлик, сиёсий плюрализм, фикрлар хилма-хиллиги, очилик ва ошқоралик, баргиренглик тамойиллари тобора мустақам ва кенг ўрин олмақда.

АҚШнинг «MENAFN» агентлиги томонидан берилган материалда Европада ҳафсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси Ўзбекистонда сайловолди мухити ва уларга тайёргарлик жараёнини, мамлакатда эркин ва демократик сайловлар ўтказилишини таъминлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларни ижобий баҳолаб, парламент сайловларига тўлақонли кузатув миссиясини юбориш ниятини билдиргани хабар қилинади.

Хулоса ўрнида шунга таъкидлаш керакки, мамлакатимизда сўнгги йилларда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онгини ўзгартирди. Кўрииб турганидек, барча фуқаролар, жумладан, кам сонли миллатларнинг вакиллари бўлган фуқаролар ҳам тенг равишда Конституция ва қонунларга мувофиқ мавжуд ҳуқуқлардан тўлиқ фойдаланишлари ҳуқуқий жиҳатдан қафолатланган. Жамият ва давлат ҳаётидаги муҳим сиёсий жараён ҳисобланган сайловлар эса уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашнинг асоси ҳисобланади.

З.МАҲМУДОВ,  
Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи,  
Х.ТУРДИЕВ,  
Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси.

«Давоми, бошланғич 1-бетда.



Рустам ҲАСАНОВ  
иқтисод фанлари доктори, профессор  
Иқтисодиёт ва саноат  
вазирлиги ўқув маркази директори



Пешонасига оила битса-да, уй битмаган эр-хотин маҳалладаги масжид учун ажратилган хоналарнинг бирида яшаб келишар эди.

# МУСТАҲКАМ ХОНАИ ХУРШИД

Академик шоиримиз Гафур Ғуллом қаламига мансуб бўлган бу сатрларнинг аввалу охирини кўпчилик ёд билди:  
**Узилган бир киприк абад йўқолмас,  
Шунчалар мустаҳкам хонаи хуришд...**

Аллома шоир «Хонаи хуришд» иборасини қўллаганда, бутун ер юзини назарда тутдирди, аҳтимол. Лекин менинг тасаввуримда, хонаи хуришд — қуёш уйи — бу ҳаммамиз учун азиз, ҳаммамиз учун оламнинг олтин остонаси, улуг тафаккур-зодалар бешиги бўлмиш Ўзбекистон гавдаланаверади.

Бу ҳудудда яшаётган аҳолимизнинг сони 33 миллионга яқинлашиб қолди. Улар — дуоғўларимиз ота-оналаримиз, илм йўлларида игна билан қудўқ қазигандек заҳмат чекаётган фан фидойилари, шифокорлар, муаллимлар... Бешикда мунчоқ кўзларини онасига тикиб ётган қорақўзлар ҳам шу санокда... Ҳаммасини жамлаб, «Ватан» деб атаб, тасаввур қилмоқчи бўлсанг, бу тасаввур дақиқа сайин, боя айтганимдек, улканлашиб бораверади, сен унинг қаршисида заррага айланасан.

Агар юрт бошига: «Мен мана шу одамлар, мана шу замин учун жавобгарман», деган қатта юракли инсон келса, ҳеч нарса, ҳатто, бир зарра ҳам эътибордан четда қолмас экан. Биз бу ҳақиқатни ҳар кун, ҳар лаҳза ўз кўзимиз билан кўриб, ҳар дақиқаси асрларга тенг жараёнда ўзимиз иштирок этиб турибмиз. Биргина юртимиздаги хотин-қизларга эътибор масаласини олайлик. Ўзқоқа бўрайлик-да, бу борадаги кейинги ўзгариш, янгиликларга диққат қилайлик. Жорий йилнинг 2 февралы санасида Президентимизнинг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Бу тарихий Фармон ижросига қараб ҳаракат қилар эканмиз, замондош оласингилларимизга яна ҳам яқинроқ борамиз. Ҳаётда қатта ютуқларга эришган, оиласи тинч, фарзандлари бешикка қамалган етатган хонадонлар ҳаёти ҳам Фармондан четда эмас-ку, лекин тарихий ҳужжатда кўпроқ ҳимояга муҳтож, назардан четда қолма қолган, бугунги тараққиёт имкониятларидан ўзлиб қолган юртдошларимизни қўллаб-қувватлашга кўпроқ аҳамият берилган. Уларнинг орасида боқувчиси йўқ, ногирон фарзандларини парваршилаётган ёлғиз аёллар аз эмас.

Фармоннинг тарихийлиги, бебаҳо ҳужжатлиги шундаки, унда бундай эътибор-талаб оилалардан умумий тарзда хабар олиш белгиланмаган, балки, уларнинг манзилли рўйхатини тузиш, ҳар бирининг аҳвалини ўрганиш ва шахсий ёндашув талаб қилинган. Бу дегани тақдир тақозоси билан муаммолар гирдобиди яшаётган аёлни қайбир яхши кунда бир халта егулик билан йўқлаш қўтулиш дегани эмас. Уларнинг ҳар бирига инсондек қараб, улар билан инсоний муносабатда бўлиб, қийинчиликларини бартараф этиш дегани. Ҳозир ижтимоий тармоқларни кузатсангиз, иссиқ-совуқ сувсиз, томидан чакка ўтиб ётган уйлардан (агар уй деб аташ мумкин бўлса) замонавий, ёруғ хонадонларга қўчиб ўтган юртдошларимиз, айниқса, аёлларимизнинг миннатдорчилигининг чеки йўқ.

Тошкент вилояти Бекобод туманидаги Янгйобзор маҳалла аҳолиси Мухаррамхон ва Абдувоҳид Муродовлар оиласини яхши билишадди. Улар тўтма ногирон, бирининг қўли, иккинчисининг оёғида

нуксон бор. Пешонасига оила битса-да, уй битмаган эр-хотин маҳалладаги масжид учун ажратилган хоналарнинг бирида яшаб келишар эди. Таркибда бир неча ташкилот вакиллари билан бирга хотин-қизлар фаоллари ҳам бўлган ишчи гуруҳ уларнинг эҳтиёжларини ўрганиб, арзон нархдаги уйлардан бирининг берилишига эришди.

— Бизга уйга қўшиб, тикув машинаси ҳам беришди. Икки ёрти бир бутун бўлиб, этак тикилди. Худо хоҳласа, бошлангич бадали тўланган уйимизнинг кредитини ўзимиз ойма-ой ёпамиз. Аввал ўзимизни бирор ишга яроқсиз, ожиз ҳис қилардик. Ҳозир барча шароитлари бор уйда қўшуватга тўлиб бораётгандаймиз, — дейишадди Абдувоҳид ака билан Муҳаррамхон ая.

Бу оила хотин-қизларга, уларнинг оиласига кўрсатилаётган эътибор туфайли қалбидида ҳаётдан розилик туйғуларини ифода этаётган минглардан бири, десак муболага бўлмайди. Мазкур Фармон юртимиз хотин-қизлари ҳаётига масъул бўлган Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, унинг жойлардаги тузилмалари учун маёб — йўл кўрсатувчи вазифасини ўтайпти, десак хато бўлмайди.

Мақсад-манзил аниқ бўлгани учун ҳар бир ҳаёти қадмининг самараси ой, йиллар ўтиб эмас, кунлар, ҳафтаалар ўтиб кўзга ташлангилки. Айниқса, Президент Қарори билан Рамазон ҳайити арафасида билиб-билмай хато йўللарга кириб қолган бир гуруҳ аёлларнинг афв қилинганлиги, афдан кейин эса мутасадди ташкилотлар билан жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари фаолларининг тақдир чораларида қадимки орган дарахтдай эгилб турган, ҳали виқондидан гуноҳ кири бутунлай кетмаган кечати мақҳума, бугунги озода инсонга кўрсатаётган гамхўрликлари уларнинг руҳиятида яхши ўзгаришлар қилмоқда. Журналимиз тарихиятга Сирдарё вилоятидан Мўқаддас исми аёл келди: овозида титроқ, кўзида ёш:

— Пул олди-бердиларига аралашиб қолиб, жазога ҳукм қилинган эдим. Мухтарман Президентимизнинг афғига муювсар бўлиб, бир ойда озо бўлдим. Ҳўбсхонадан чиққанымдан сўнг ҳокимиятдагилар, хотин-қизлар қўмитаси вакиллари яшаш шароитларини ўрганишди. Икки нафар ўғил ўстирдим, икковининг ҳам сало-матлигида нуксон бор. Шуларни ҳисобга олиб, уй, иш беришди. Ҳеч ким мени «бу — жиноятчи», деб қўлини бизгиз қўлиб кўрсатмапти. Афросингда шунча яхши, яхшилик бўлса, ичингдаги ёмонликлар ўз-ўзидан сўнар экан, яхши бўлгилар келар экан...

«Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» дастуриларнинг ижроси фақат қишлоқ, маҳалланинг уй-жойи, кўчасини эмас, унда яшаётган аҳолининг, жумладан, хонадон бекаларининг кўнгилларини ҳам обод этаётгани, шубҳасиз.

— «Бундан уч-тўрт йил аввал теле-визорда Тошкент, Самарқанд каби обод шаҳарлар, улардаги чиройли кўйини юрган аёлларни кўриб: «Биз ҳам шу юртинг одамларимиз-ку. Нега бизнинг чанг-лоқ кўчаларимиз ҳақида ҳеч ким ўйламайди? Қиш — уч ой чироқ ёнмайди, илтибодий шамларга, газ йўқлигидан гўзалояларга қайтдик. Нега олдинга эмас, орқата юраётган халқни ҳеч ким кўрмайди», дея



юргимиз исён қиларди. Мана, ҳудода шукр, шундай замоналарга етдик. Қишлоғимиз нари-бериси олти ойда янгидадан бунёд бўлди, — дейди манаслик Гўлбаҳор исмли муаллима.

Одам бўласининг тафаккури теранлигидан ўзидек ақлли машиналар ихтиро бўлпти. Инсон оёғи Марсга етди. Демак, уни ҳайратлантириш, ҳаяжонга солиш осон эмас. Лекин дунёда яна бир куч борки, ундан келадиган ҳар ҳарорат, ҳар тафр ҳар қандай совуққон одами ҳам ҳайратга солади. Бу — инсонни қадрлаш туйғуси, инсонга оқибат кўрсатиш, уни тоифаларга ажратмай, Одам Ато, Момо Ҳаво авлодлари, башариятнинг бир парчаси дея ҳурмат билан қараш ҳиссиёти.

Мавлоно Жалолиддин Румийда бир ҳикмат бор: «Агар Аллоҳ Қазбани ердан кўтариб қўлганда эди, одамлар сажда қилгани қилба қидириб бир-бирининг қалбларига юзланар эдилар». Бу — инсон азиз, дегани. Гарчи бугун Қазба ўз жойида турган бўлса-да, бизнинг мамлакатимизда фуқаролар учун яратилаётган бири-бирдан мақтовли шароитлар туфайли ораимизда қалбига қараб сажда қилсанг арзийдиган инсонлар қўлайди. Улар аввал ҳам бор эди, фақат бугунги янги замон тўқинларидеда бор қадди-баси билан кўринмоқда.

Ҳўқанди латифда истиқомат қилувчи Мамарасул ота Камолов ва Мунаввархон ая йиллар давомида мушунчаларнинг беш фарзидан бири — Ҳўз эиёратини амалга ошириш учун маблаг йиғадилар. Мўлжалдаги маблаг йиғилиб, улуг эиёратга тадорик бошланганда, уларнинг қишлоғида ичимлик суви муаммоси ўртага чиқади. Боғча, мактаб болаларида қийинчилик сезилди. Шунда эр-хотин маслаҳат қилиб, йиққан пулни қудўқ қазашга сарфлайдилар. Қишлоқ аҳолиси суви бўлади. Бундан қувонган ҳамқишлоқлари отахон билан онахонга: «Сизлар ҳожи бўлдиларингиз. Сизларни энди ҳожи ота, ҳожи она, дея атаймиз», дейишадди.

Миллат қўсида ифтихор туйғусини уйғотадиган бундай улғувор ишлар жуда кўп. Ўзбекистон тарихида илк марта Сенаат аёл киши раис бўлди. Мухтарам Президентимиз «Мен Танзила Норбўева-нинг ҳукуматдаги фаолияти доирасида

қилган ишлари, айниқса, болалар меҳнатини йўқотишдаги ҳаракатларини эъзозлайман. Халқро ҳамкорликда ҳам унинг меҳнатлари салмоқли», дея эътироф этиш замирида хотин-қизларимизга бўлган масъулият ва қатта ишонч мужассамдир.

Тошкент шаҳри марказида қад ростлаётган «Tashkent City»даги қурилиш жараёнини кузатсангиз, осмонлар бинолару кўтаринки кайфиятда жон қуйдириб ишлаётган қурувчиларни кўриб завқингиз ошади. 100 метр бандлигида қранни бошқараётган қиз — Наргиза Арсенова билан суҳбат чоғида юрагида йўлбарс яшайдиган қиз, дегим келди.

— «Тоёғим»ни шундай яхши кўрамани, 200 метр бандлиқка чиқиб керак бўлса ҳам чиқардим. Ҳар ҳолда Худога яқин жойда турибман, дея ҳаммаша ниятларимни айтишдан қарчамайман. Шўқрим, севишли касбим туфайли жуда кўп эътирофларга эришдим. Айниқса, Президентимиз томонидан «Меҳнат Шўҳрати» ордени билан тақдирланган куним, ўзимни дунёдаги энг бахтли инсон деб ҳис қилдим, — дейди Наргиза.

Наргизанинг айтишича, унинг «Tashkent City»га кириб келиши ҳаётидаги омадли бўрилишлардан бири бўлган. Компьютер технологиялари коллежини тамомлагач, бироз муддат дастуричи бўлиб фаолият олиб борган. Музқаймоқ цехида ҳам ишлаб кўрди. Бир кунни танишлари «Tashkent City»га қранчилар кераклигини айтиб қолишди. 123 метрли қранда ишлаш ундадалаган матонатли қиз бугун ўз касбининг моҳири. Сўхбатимиз сўнггида: «Минг шўқ, онамга раҳмат олиб бердим», — дея жилмайди қаҳрамонимиз.

Ҳамият ва давлат ҳаётида фаоллик, ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг мустаҳкамланишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган хотин-қизлар учун «Муътабар аёл» қўлрак нишони таъсис этилгани, тақдирда турли муаммолар пайдо бўлган аёлларнинг ҳаётини ўрганиш, уларга маънавий ёрдам бериш, ҳаётиа ишонч-иштиёқини уйғотиш мақсадида жойларда ижтимоий мослашув марказлари иш бошлаганини, қувонч билан қаршилаймиз. Биз нашрга тайёрлаётган, 90 йиллик аъналарга эга,

бугунги шиддатли, тезкор замонга ҳамнафас янгилашишга интилаётган «Саодат» саҳифасига битилажак рунқларни аниқ тасаввур қиламиз.

«Ватанпарварлик, инсонпарварлик тарбияси боғчадан бошланиши керак», деган фикрни амалга ошириш учун ташкил этилган Мактабгача таълим вазирлиги фаолияти ҳам, «Хар бир оила — тадбиркор» шiori остида ота-бобосидан мерос бўлган ҳўнарларнинг олтин сандиқларини очиб, бири ёғоч ўймакор, бири асаларичи, бири қаштадўза айланаётган бекалар, бекалар ҳам қаламларимиз нишониди бўлади. Президентимиз турли манзилларда, турли касбдаги фуқароларимиз билан учрашар эканлар ҳар тал:

— Мен сизларнинг зиммингизга қўётган, сизларнинг салоҳиятингизга ишониб, белгилаб берганим бу вазифаларни адо этиш қийин, жуда қийин. Лекин ўзимиз фидойи бўлмасак, ўзимиз садоқатли бўлмасак, ҳеч ким бизнинг ҳаётимизни четдан қелиб ўнглаб бермайдми, — дея ҳақиқатни айтидлар.

Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида улуг маърифатпарвар аллома Исҳоқхон тўра Иброт номидаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат жамоаси билан учрашувда ўқувчи қизлардан бири:

— Биз Сиз яратган шароитлардан унумли фойдаланялмиз. Келажакда Оксфорд ёки Кембриж университетларига кириб ўқишга аяда берамиз, — деганида юртбошимиз уларнинг ваъдаларидан хурсанд бўлган ҳолда:

— Сизлар шундай булган мақсадларни кўзлангиларки, келажакда ўша Оксфорд, Кембриж шаҳарларидаги ёшлар Иброт мактабига келиб ўқийдиган бўлсин! — деган эдилар.

Қалам ҳам, қроғ ҳам аслида ҳақиқат жарчиси, ҳақиқат ялови. Она Ўзбекистонимизда тинчлик барқарорлиги, қадриятлар бардавомлиги, меҳнат шарафи, адолат тантанаси йўлида қадам ташлаётган пок ниятли инсонларга ҳамроҳимиз. Ният тоза, қадамлар шаҳдам бўлса, албатта, юртимиз обод, кўнгилларимиз шод бўлишга ишончимиз қомил.

Мунаввара УСМОНОВА,  
шоира.

## КИМ ҲАҚ? ТАЛАБАМИ ЁКИ НАЗОРАТЧИ?

Яқинда автобусда йўловчилардан бирининг эътирознома гаплари эътиборимни тортиди. Улардан бири ойлик йўл чиптасини кўрсатиб, ўзининг талаба эканлигини исботлашга уринарди. Афтидан, иккинчиси эғидидаги ёрлиғига қараганда, кондуктор эди.

— Ука, тушунаман, балки, ҳақиқатан ҳам талаба-дирсиз, — деди кондуктор. — Аммо ойлик чиптангиз талабалик гувоҳномаси билан ҳақиқий ҳисобланади. Ҳозир эса, гувоҳномангизни кўрсатмаганингиз учун сиз ноҳақсиз.

Уларнинг гап-сўзларини эшитиб, масала нима ҳақида эканини аналгандай бўлдим.

Ҳа, бугунги кунда олий ўқув юртлиари талабалари, мактаб ўқувчилари ва нафақадорларнинг кўпчилиги ойлик чипталар воситасида йўл транспорти, метрополитен хизматларидан фойдаланишади. Давлатимиз уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида шундай шароитлар яратиб қўйган.

Биламизки, чипта чўнтақоп. Яна бир қулай томони шундаки, кассалар ёнида навбатда туриб, «жетон» сотиб олиш ташвишдан қўтилиасиз, ортиқча вақт сарфламаймиз. Аммо айрим ҳолатларда чипталардан фойдаланишда турли хил тушунмовчиликлар ҳам келиб чиқмоқда. Масалан, ойлик чипта бору лекин талабалик гувоҳномаси уйда ё бўлмаса, ётоқхонада қолган ёки ақсинча.

Табиийки, автобусга чиққан талаба буни назоратчига кўйиниб тушунтиришга ҳаракат қилади. Бироқ бу илтимослар инобатга олинмайди. Бундай ҳолатлар кўп учраб тургани учун муаммонинг сабабларини ўрганишга ҳаракат қилдик. Маълум бўлишича, ойлик чипта сотувчилари орасида талабалик гувоҳномасини сўрамай, чипта сотиш ҳоллари учраб турар экан. Бундан фойдаланган айрим «қалбаки талабалар», автобусга чиққан, талабалик гувоҳномасисиз ойлик чиптасини кўрсатади. Ҳўшёр назоратчи эса, улардан қўшимча ҳужжат, яъни талабалик гувоҳнома кўрсатишни талаб қилади. Ёлғон фош бўлган, йўл ҳақи ундириб олинади. Шу сабабли жамоат транспортидида назоратчи (кондуктор) энди ойлик чиптадан фойда-ланаётганларга шубҳа билан қарай бошлайди.

Биз мажбур масалада талабалар билан суҳбатлашганимизда, уларнинг ақсарияти ўзларини ҳақ, деб ҳисоблашди. Ойлик чипта сотувчиларни ноҳақликда айблашди. Ҳолисликка риоя қилган ҳолда биз Юнусовбод тумани «Тошшаҳартрансхизмат» ташкилоти томон йўл олдик. Афсуски, у ерда бу ишга масъул каттароқ лавозимдаги ходимлар билан суҳбатлашга олмадик. Қўлида талабалик гувоҳномасисиз сотиб олинган ўнганча чиптани кўрсатган киши ўзини таништиришни истамади. Уларни кўздан кечирар эканмиз, мутасаддининг гаплари ростлигига ишондик.

— Биз айрим сохта талабаларнинг қилмишлари оқибатида қатта зарар кўрялмиз. Умуман талаба бўлмаганлар ҳам шунча йўллар билан ишчиларимизни чўв туширишмоқда, — деди ўша киши.

Хулоса қилиб айтганда, ойлик чиптадан фойдаланаётган талабанинг гувоҳномаси, унинг ичиндаги расми, қайси олий таълим муассасасида ўқийётганлиги, нечанчи курсдалиги ҳақидаги маълумот ва муҳр аниқ қайд этилган бўлиши лозим. Агар жамоат транспортидида назоратчи талабанинг ҳамма ҳужжатлари тўлиқ бўлиб, йўл ҳақиқини талаб қилганда ёки қўлп муомалада бўлганда, шунингдек, берилган йўл ҳақиға қайтим бермаса, ноҳақ ҳисобланарди. Шундай экан, ошмиқа муаммолар келиб чиқмаслиги учун талабага ойлик чипта сотаётган сотувчилар ҳам улардан олий ўқув юртида ўқийётганлигини исботловчи ҳужжатни сўраб, ишонч ҳосил қилгандан сўнггина сотиши лозим.

Демак, талаба дўстларимизнинг ўзлари ҳам бу масъулиятни қўқур ҳис қилишлари керак.

Оламгир АБДИЕВ,  
Ўз ЖОКУ талабаси.

## ЭЪЛОН

«TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI»

Масъулияти чекланган ЖАМИАТИ

2019 йил 12 декабрь кунини очик аукцион савдолари ўтказилишини, ўтказилган аукцион савдолари Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Беруний кўчаси, 3-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги «JAR» Спорт-соғломлаштириш комплексининг 2004 й. и.ч. д/р 01/238 VSB, бошлангич нархи 3982124 сўм бўлган «ТА3-330214» русумли автотранспорт воситаси қўйилишини маълум қилади.

Аукцион савдолари савдо 10-00да бошланади. Буюртма қабул қилиш соат кундан аввалги иш кунинда соат 18-00да тўхтатилади. Савдоларда қатнашган учун закалат тўғрисида келишувга мувофиқ автотранспорт воситасининг бошлангич нархининг қамиди 20 фоизи микдорда закалат пули «Toshkent kim oshdi savdolari» МЧЖнинг АТИБ «Инотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302088054, 20208000004932833001 ҳисоб рақамига тўланади. Мазкур автотранспорт воситаси юқорида белгиланган савдо кунинда сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказилидиган савдоларга такораран қўйилади. Савдо қолғилари савдо кундан бошлаб йилгирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат микдори сотиб олиш тўлови микдорининг 15 фоизидан қамини ташкил этган тақдирда еттишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари қўлатилади. Талабдорлар белгиланган муддатларда аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртма икки нусхада, закалат тўлов ҳужжати нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, ҳуқуқий шахслар — давлат рўйхатидан ўтганликлари ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар — паспорт тақдим этадилар.

Аукционда қатнашиш тартиби ва талаблари тўғрисида қўшимча маълумотлар кўрсатилган манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Беруний кўчаси, 3-уй. Алоқа телефони (+998 96) 143-69-97 электрон почта kos@mail@inbox.uz

Гувоҳнома № 005414-05

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

## Прописка масаласида ўзгаришлар кутилмоқда

Ўтган 10 ой давомида Тошкент шаҳри бўйича жами 32 минг 380, Тошкент вилояти бўйича эса 7 минг 462 нафар фуқаро доимий яшаш учун рўйхатдан ўтказилган

### МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Ички ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлигида «Ички ишлар органларида миграция жараёнлари ва фуқароларнинг расмийлаштириш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Ички ишлар вазирлиги матбуот котиби, полковник Шоҳрух Ғиясов, Миграция ва фуқаролиқни расмийлаштириш бoш бошқармаси раҳбарияти ва масъул ходимлари иштирок этди.

Вазирлиқнинг Миграция ва фуқаролиқни расмийлаштириш бoш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, полковник Нодир Зияев сўзга чиқиб, кўриб чиқилаётган «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонунининг янги лойиҳасида назарда тутилган асосий масалаларнинг мазмун-муҳидати ҳусусида атрафчилик тўхталди.

— Жорий йилнинг 10 ойи давомида Президентимизнинг 23 фармони асосида 4 минг 951 нафар фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинди, — деди у ўз чиқишида. — Қолаверса, Миграция ва фуқаролиқни расмийлаштириш бoш бошқармасининг қўйи тизимлари томонидан 781 минг 376 нафар фуқарога хориққа чиқиб учун биометрик паспортлар расмийлаштирилиб қўйилди. Бундан ташқари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келиб-кечишлари, бу ерда бўлишлари, транзит ўтишларини назорат қилиш ҳамда уларга яшаш гувоҳномаларини расмийлаштириб бериш ва вақтинча ҳисобга ўтказиш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Давлатимиз раҳбарининг фармонларига асосан, 56 та хорижий давлат фуқароларига 30 суткагача визасиз Ўзбекистонга келишлари ва бу ерда бўлишлари, 111 тасига юртимиз ҳудудида кў-мас мулк сотиб олиш ва яшаш гувоҳномасини олиш ҳуқуқи, 76 давлат фуқароларига эса электрон виза расмийлаштириш, шу билан бирга, «Ватандош», «Инвестиция» визалари ҳамда «Фахрий фуқаро» гувоҳномаси амалиётга жорий этилди.

Республикаимизда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳамда хорижий инвесторларга яратилаётган қўлай шароит ва имкониятлар натижасида ўтган 10 ой давомида жами 6 миллион 997 минг 114 нафар хориқлик фуқаро республикамизга таширф буюрди.

Хориқий фуқаро ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш гувоҳномаларини расмийлаштириш бўйича жами 3 минг 689 та мурожаат келиб тушган бўлиб, улардан 3 минг 134 таси ижобий ҳал этилди, 555 таси эса кўриб чиқилиш жараёнида.

Ички ишлар вазирининг 2012 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописки қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи асосида жорий йилнинг ўтган 10 ойи давомида Тошкент шаҳри бўйича жами 32 минг 380, Тошкент вилояти бўйича 7 минг 462 нафар фуқаро доимий прописки қилинган. Шунингдек, ИИВнинг 2016 йил 16 майдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи асосида жами 173 минг 140, шундан Тошкент шаҳри бўйича 145 минг 854, Тошкент вилояти бўйича 27 минг 286 нафар фуқаро вақтинча ҳисобга олинди.

Тадбир давомида журналистлар оқорида қайд этилган маълумотларга қўшимча равишда ўзларини қизиқтирган саволларга ИИВ Миграция ва фуқаролиқни расмийлаштириш бoш бошқармаси раҳбарияти ва масъул ходимлари томонидан атрафчилик жаавб берилди. Шунингдек, тадбир иштирокчилари соҳа вакилларига яна ўзларини қизиқтирган қўйидаги саволлар билан ҳам мурожаат қилди:



Атом электр станцияси қуриладиган жой Хонбанди шаҳарчасидан пастроқда, Тузкон кўли яқинида жойлашган.



# Фориш обод бўлмоқда, чирой очмоқда

## ОЛМОҚНИНГ БЕРМОҒИ БОР

— Илгари туман маркази кўриниши жуда ночор аҳволда эди, йиллар давомида бирорта тузукроқ бино қурилмаганди, — дейди “Нуроний” жамғармаси туман бўлими раҳбари Холмат Маматов. — Қатор кулбачалардан иборат савдо дўконларига қараб кишининг кўнгли ғашланарди. Қоронғи тушиши билан атрофга зулмат чўкарди, дўконлардаги яккам-дуккам чироқларни ҳисобга олмаганда, бу жойни туман маркази, деб аташга ҳам одам уялар эди. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, туман маркази шу аҳволда бўлганидан кейин асосан тоғ ва қир-адирлардан иборат бу ҳудудда яшаётган аҳолининг аҳволи, турмуш тарзи қандай бўлиши мумкин? Бунинг устига, булоқ сувлари ва юз метрдан ҳам чуқурроқ жойдан сув чиқадиган, бармоқ билан санарли қудуқларни ҳисобга олмаганда, ичимлик суви ҳам муаммо эди, электр энергиясидаги узилишлар ҳамманинг юрагини зада қилганди...

## ТАХИРИЯТГА ШИКОЯТ КЕЛДИ ТОҒЛАР БАҒРИДАГ ЖАВО-ХИРЛАР

Бир кунги Бош муҳаррир қаҳириб қолди. Хузурига кирсам, ёши 80 лардан ошган отахон ўтирибди. — Фориш туманига хизмат сафарига борасиз, — деди Бош муҳаррир. — Бу отахон Маҳкамхожи Абдуллаев, туманининг Илонли маҳалласидан. Бир муаммо билан келибдилар. Шунинг учун қайтасиз... Хуллас, тахририят бўлим мудири Тоштемир Худойқуловнинг ҳам кўлида Фориш туманидан битта шикоят бор экан, икковимиз тушдан кейин йўлга чиқдик. Бизни эски танишимиз Холбой Шавкиев кутиб олди. Туман марказига бир йил олдин келгандим. Худди 1950-1960 йиллардаги совхоз марказини эслатарди. Қачонлардир, тартибсиз қурилган кўрмисиз бинолар, ғарибгина дўконлар... Эътиборни тортадиган бирорта бино, манзара йўқ. Бу гал Форишга кечкурун соат 21:00 ларда кириб бордик. Узоқдан кўз ўнгимда равои йўл ўртасига ўрнатилган чарақлаган чироқлар оғушидаги шаҳарча намоен бўлди. — Қайси шаҳарга келиб қолдик? — сўрадим кўзларимга ишонмай. — Бу Фориш туман маркази, Богдон шаҳарчаси, — деди Холбой ака фахр билан. — Бир йил ичида туман маркази таниб бўлмас даражада ўзгарди...

Туман ҳокими Абдували Мустанов ҳокимият биносини иккинчи қавати таъмирланаётгани учун ичинчи қаватдаги кабинетлардан бирида ўтган кун ҳисоб-китоби ва эртанги кун режаси юзасидан йиғилиш ўтказмоқчи бўлиб турган экан. Келганимиздан хабардор бўлган, кабинетга тақлиф қилди, ўринбосарларини қаҳирди. Биз унинг қўлига Фориш туманидан тахририятга келган иккита шикоят хатини бердик. — Аввало, бир инсон тақдири билан қизиқиб, шунча жойдан йўл босиб келган сизларга раҳмат, — деди ҳоким. — Қолаверса, Президентимиз айтганидай, одамларнинг розилиги, ҳалққа хизмат қилиш бизнинг вазифамиз. Булар ёзган шикоят хатидан хабаримиз бор, неча марта лаб ўзлари билан суҳбатлашганмиз. Минг гапиргандан бир ҳалол равои, ўзларингиз эртага шикоятларни жойида ўрганиб, ҳолис ҳулосага келарсиз...

Эртаси кунги тонгда Тоштемир Худойқулов ҳокимнинг икки нафар ўринбосари билан тумандан 220 километр узоқликда, Қозғистон чегараси ёнида жойлашган «Истиклол» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига кетди. Шикоятда келтирилишича, бу маҳаллада сайлов ноҳили бўлиб ўтган. Янги раис ишламапти. Маҳалла идорасига бир чўпон оиласи ижарага қўйилган, сайланган оқсоқол эса Фориш туманида яшайди, ишга ҳар замонда келади ва ҳоказо. — Мен «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раҳбари Холмат Маматов ҳамда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Худойназар Жонузоевлар билан Илонли кишлоғида яшовчи, шикоят билан мурожаат қилган Маҳкамхожи Абдуллаевнинг уйига йўл олдим...

## МАҲКАМХОЖИ ОТАНИНГ САВОБИЛИ ИШЛАРИ

Рўзимат Болибеков шу ҳудудда фермер ҳўжалигини юритар экан. Маҳалладошлари унга ишонч билдириб, оқсоқолликка сайлашибди. Тошлоқ йўлнинг бир томони қир, бир томони сайхонлик. Пастда кўкамзор боғлар, аҳоли истиқомат қилаётган кишлоқлар. Кўпчилигининг томоқраси тоқзорлардан иборат экани эътиборимни тортди. — Сайхонликдаги аксарият жойларда булоқ суви бор, — деди фикримни ўққанди Рўзимат Болибеков. — Баъзи хонадонлар қудуқ сувидан фойдаланишди. Сув бор жойда ҳаёт бор, аҳолининг тирикчилиги богдорчилик, чорва билан. Ешларга иш йўқ, Шунинг учун уларнинг аксарияти шаҳарга ишга, ўқишга кетишди. Қолганлари шу ерда, чорва, боғ қилишди. Ҳозир ҳар бир ҳўжаликда тоқ қаламчалари кўкартириб, сотишни йўлга қўйдик. Ҳарна-да! Мен ҳозир биз шикоят бўйича бораётган Маҳкамхожи Абдуллаев ҳақида сўрадим. — Ҳожи бобо савобталаб одам, — деди маҳалла оқсоқоли. — Мана шу сайхонликдаги мактаб биз бораётган жойдан 6 километр чиқди. Илгари ўқувчилар қуд-ёғирда лойга ботиб, ана шунча масофадан қатнаб ўқирди. Машина туғул, одам юрадиган сўмоқ ҳам йўқ эди. Маҳкамхожи ота югур-югур қилиб, ана шу 5-6 километр масофага машина борадиган йўл, кишлоғида мактаб қурди. Фермер ҳўжалигини юритган пайларда режадан ортиб қолган галларнинг ҳаммасини бир қоп-икки қопдан ночор оилаларга тарқатганини эл билди...

— Маҳкамхожи Абдуллаев 2000 йилларнинг бошида фермер ҳўжалигидан ариза бериб бўшаган, — қўшимча қилди Холмат Маматов. — Энди фарзандлари билан боғ қилиш учун ўзи фермерлик қилган жойдан 20 гектар ер сўраган. Шу, ерни сал узоқроқдан ажратиб берайлик, дейишса, кўнамди. Бўш ер йўқ, дейишди. Аслида ўзбошимчалик билан ортиқча ерларни эгаллаб олган фермерлар эъ эмасди. Маҳкамхожи отанинг бу ҳақда ёзмаган жойи қолмади. Шундан сўнг марказдан тақлиф этилган мутахассислар Илонли ва Гараша кишлоғидаги фермерларнинг ерини бирма-бир ўлчашди. Ҳақиқатан ҳам иккита кишлоқда фермерлар тасарруфидagi ердан ташқари 1450 гектар ер ошмакча чикди, у ҳокимият захирасига олинди. Ҳозир қолган ҳудудлар ҳам ўлчаб чиқилаяпти.

Маҳкамхожи отанинг ҳовлиси сайхонликдан экан. Ян-яшил қорбоғ, тўрт томони поёнсиз баланд тоғлар. Манглайини қийиқча билан тангиб олган отахон Комил исми ўли билан бизга пeshовз чиқди. Отахон қаҳқонлик билан бизни ўйга бошлади. Дастурхонга олма-узум, анжир, шафтоли қўйилди. Ширинлиги тилни ёради. — Олинг-олинг, меҳмон, барисини ўз боғимиздан, — деди отахон. «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раҳбари Холмат Маматов мени отахонга таништирди. — Охири келибсизларда-а? — деди Маҳкамхожи ота хурсанд бўлиб. — Қачондан бери кутаётган эдим. Ҳўш, менга ер олиб берасанми?

Отахоннинг аризасида боғ қилиш учун 20 гектар ер сўралган. Жойни қўрсатувдик, олмадилар, — деди туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Худойназар Жонузоев. — Мен икки ўғлим яшаётган нариги қирдан жовлик 20 гектар ер ажратилишни сўраганман. Фермер ҳўжалигини бошқарганимда 10 йил уша ернинг тошини тегарман. Сен эса 100 гектар ернинг у четидан 5 гектар, бу томонидан 3 гектар, бошқа жойидан 12 гектар жой қўрсатгансан. Ундан боғ бўладими, ҳамма вақт бошида туролмайсан, мол-қол қўядими?!

— Отахон фермер ҳўжалиғи раҳбарлигидан бўшаганидан кейин унинг тасарруфидagi 100 гектар ер муқобиллаштириш даврида 2017 йилда Насиба Шокосимова фермер ҳўжалиғига қўшиб берилган, — деди Худойназар Жонузоев. — Энди бу ер қайтадан туман захирасига ўтказилса, тендер асосида оспалар бўлади, бошқа иложи йўқ. — Ўзи менга ер-перинг ҳам кераги йўқ, ёшим 85 да бўлса, 12 нафар фарзандим Худого шўр, уйли-жойли, 60 дан ошми невараларим бор, шуларни ўйлайман-да. Шаҳарга улоқиб кетмасин, шу ерда бир иш билан машғул бўлсин, дейман. Мана, мен билан яшайдиган ўғлим Комил ҳам ишсиз юрибди...

— Ўғлингиз бирор-бир тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлса, ёрдам берамиз, — деди «Нуроний» раҳбари. — Маҳалла фуқаролар йиғини марказидан маиший хизмат комплекси, битта тўйхона қуриш ниятим бор, лекин маблағ йўқ, — деди Комил ерга қараб. — Туманимизда тадбиркорларга исталганча имтиёзли кредит ажратилапти. Республикда фақат бизнинг туманимизга шундай имтиёз берилган. Бундан фойдаланиб қолиш керак, — деди Холмат Маматов. Кейин маҳалла оқсоқолига қаради. — Бўлмаса, сиз ана шу маиший хизмат комплекси, тўйхона қуриладиган жойини Комил билан қўриб чиқасиз ва кредит олишга барча ҳужжатларни тайёрлаб туман ҳокимлигига борасиз. Бу ёғини ўзим ҳал қилиб бераман. Маъқулми?

Комил «Маъқул» дегандай бош иргадди. — Бир гапни айтмасам бўлмайди, — деди отахон кетар чоғимизда. — Тунов кунги туман марказига йўлим тушган эди. Вой-бў, шунчалик ўзгариб кетибдики, танимай қолибман. Умрим бино бўлиб Форишда бундай қурилишлар бўлмаган эди. Шу ишларнинг бошида турган хокимга айтиб қўйинг, мендан хафам бўлмасин, отасига балли! Фақат сизлардан илтимос, мактабимиз ёнига ўрнатилган трансформаторни кучлироқча алмаштириб берсангизлар. Кишда электр қуввати кампирдан тез-тез чироқ ўчиб қолаёпти. Аҳоли-ку майли, бир кунини қўрар, ўқувчилар чироқсиз қолмасин дейман-да...

Мен Маҳкамхожи Абдуллаев айтган барча гапларни газетга чиқаришга ундан рухсат олдим. **ФОРИШДА РЎЙ БЕРАЁТГАН МЎЪЖИЗАЛАР** Тўғриси, Фориш туманига келиб Маҳкамхожи Абдуллаевнинг шикоятини ўрганаман-у, қайтиб кетаман, деб ўйлагандим. Ҳожи ака ўли Комилнинг 8 фоизлик кредит олиб кишлоқ марказидан маиший хизмат комплекси, тўйхона қуришига, агар захира ердан фермер ҳўжалиғи ташкил этиш учун тендер ўтказиладиган бўлса, номзодини қўйишга рози бўлди. У билан хайр-хўшланиб йўлга чиқдик. Тоштемир Худойқулов ҳам ҳоким ўринбосарлари билан 500 километрдан зиёд йўл босиб, шикоятни жойида ўрганиб, ҳориб-чарчаб келди. Унинг айтишича, шикоят ўз тасдиғини топмаган...

Фориш тоғларини, чўл-адирларини икки кун кезиб, Тошкентга қайтадиган бўлдик. Лекин туманда тасаввурга сиймайдиган ўзгаришларни, қурилишларни қўриб, бефарқ ўтиб кетолмадим. Туман марказий кўчасида бошдан охиригача икки қаватли ва ундан баланд турли иншоотлар қурилиши жадаллик билан борарди. Уларнинг кўпчилиги маҳаллий тадбиркорларнинг сайи-ҳаракати билан амалга оширилмоқда. Масалан, тадбиркор Холбой Шавкиев ташаббуси билан 31 хонадон газлаштириб берибди, Аҳмадхожи Ҳавасов ўз ҳисобидан янги масжид қурапти. Али Саъдуллаев кўшма супермаркет қуриб ишга туширди. Бунақалар жуда кўп. Энг қизиги, ҳар бир объектда 5-10 нафар хотин-қиз қалдирғочлардай тизилишиб, қурувчиларга гишт етказиб беришарди. Худди байрамга ўхшайди. Кейин билсам, булар туманда ўз хоҳиши билан жамоат ишларига жалб этилган меҳнатга лаёқатли 1,5 минг нафар хотин-қизлардан иборат жамоа экан.

— Икки қаватли маиший хизмат қўрсатиш комплекси қурылаётган, — дейди ўзини Мария Урушева деб таништирган тадбиркор. — Кредит олганим йўқ, ҳозирча сармоям етарли. Иншоот биттач, ўн нафар хотин-қизини иш билан таъминлашга қучим етди. — Ойига 700 минг сўм маош оламан, — дейди жамоат ишларига жалб этилган Мафтуна Уринбоева. — Иш бўлмаганидан кейин шу ҳам ҳарна оилага қўмак-да!

— Мен маиший хизмат қўрсатиш комплекси биттанидан кейин шу ерга тикучиликка ишга кирмоқчиман. Мария опа билан гаплашиб қўядим, — дейди Моҳинур Раҳимбердиева. — Мен ҳам бу ерда мавсумий ишда ишлаяпман, — дейди Мансур Солиев. — Кейинчалик доимий иш билан таъминлашга ваъда беришди. Туман марказидан чиқаверишда, йХХХ постида ҳоким Абдували Мустанов билан Тошкентдан келган вақил турган экан. — Ишни битирдиларингизми? Энди, бир келиб қилибсиз, фақат шикоят билан қийоаланмай, шаҳарчада олиб борилаётган ишлар билан ҳам танишиб кетинг, — деди ҳоким. Кейин сал нарироқда турган ўринбосарини қаҳирди. — Муҳбир акани янги қурилаётган объектлар билан таништириб келинг.

Туман ҳокимининг инвестиция бўйича ўринбосари Темури Саъдуллаев ҳамроҳлигида Болалар ва ўсмирлар спорт мажмуаси қурилишини кўришга бордик. — Умумий қиймати 6 миллиард 37 миллион сўм, 4 гектарлик майдонга эга бўлган Болалар ва ўсмирлар спорт мажмуаси қурилиш ишларига «Хумо қурилиш сервис» хусусий корхонаси томонидан 20 нафар қурувчи жалб этилган, — дейди бригада бошлиғи Фозил Аҳмедов. — Ишни шу йил май ойида бошлаган эдик. Худо хоҳласа, йил охиригача мажмуани ишга туширамиз. Спорт мажмуасидан сал нарироқда Хонбанди шаҳарчасига кетадиган йўлда Фориш деҳқон бозори (Супермаркет III-тўли 150 ўринли) қурилиши март ойида бошланган экан. Ишлар авжида. — Бу ерда «Сарбозор қурилиш транс МЧК бош пудратчи сифатида ва «Грант супер стар» МЧК ёрдамчи пудратчи сифатида иш олиб бораёпти, — дейди форишлик иш юритувчи Зоҳид Мирзеев. — Менинг қўлимда Ўзбекистон ҳудудидан ҳар хил касбадаги 290 нафар ишчи бор, керак бўлганда уларни қаҳириб оламиз. Ҳозир бу ердаги қурилиш ишларига Виталий Сажин, Ринат Назаров, Марсель Фахрудинов, Шавкат Тошпўлатов сингари турли миллат вакилларидан 35 нафар ишчи жалб этилган.

Мана, сотувчилар учун павильонларимиз тайёр, бозорга ичимлик суви олиб келинадиган, канализация ўтказилди. Ювиниш хонаси, иссиқ, совуқ сув мунтазам бўлади. Автотураргоҳ жойлари қурилишини якунига етказдик. Яқин кунларда бозорни қуриб ишга туширамиз.

— Бозор ёнидан тадбиркорлик субъектларига 270 ўринга мўлжалланган хусусий савдо дўконлари ва ишлаб чиқариш, маиший хизмат қўрсатиш шаҳобчалари қурилиши учун ер майдонлари ажратиб берилган, — сўхбатга қўшилиди инвестиция бўйича ҳоким ўринбосари Темури Саъдуллаев. — Қаранг, бу объектлар қурилиши ҳам жадаллик билан давом этаёпти. Ишчи гуруҳи томонидан уларга қурилиш материаллари (кран-шагал, сув ва цемент) ёрдам тариқасида ажратилаёпти. Шунингдек, Корея стандартлари асосида хизмат қўрсатувчи турархона биноси қуриляпти. Экотуризмга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бу гун тумандаги Ухум, Асраф ва кўнча Фориш кишлоқларида 12 та оилавий меҳмон уйлари фаолият қўрсатмоқда. Бундай уйлarning сони шу йилнинг ўзида икки баравар ошиши прогноз қилинмоқда. Бу ҳам туман иқтисодийетини ривожлантиришга хизмат қилади. «Армия уйлари» — 2019» мусобакалари туман ҳудудида ўтказилганидан кейин бу ерга келаятган туристлар сони кескин қўлайди.

— Хув анави кўп қаватли уйлари қурайсизми? — Тоғ томонига ишора қилиб сўрайди Зоҳид Мирзеев. — Бу — Хонбанди шаҳарчаси. Нега иллардан буён қаровсиз, абгор бўлиб ётган эди, ҳозир борсангиз, унинг ободлигини дилингиз ярайди. Ушштан бўлсангиз керак, туманимизда Марказий Осиёда ягона атом электростанцияси қуриляпти. Бозор қурилиши тутагач, Хонбандигача бўлган йўл ёқасига 33 та қўлқаватли уй қуриш бошланган. Уларга 300 дан зиёд мутахассис оиласи билан қўчиб киради. 290 нафар қурувчи ишга жалб этилади. Барча қулайликларга эга бўлган Атомчилар шаҳарчаси мана шу ерда қурилади!

Унинг бу сўзларидан фахр-ифтихор, гурурланиш ҳиссини сездим. Тўғри-да, Атомчилар шаҳарчаси қурилишида қатнашиб, туманда бўлаётган бунёдкорлик ишларига ҳисса қўлиш ҳар бир иштирокчида фахр-ифтихор туйғусини уйотмай қолмайди.

## СОҲИБҚИРОН НАЗАРИ ТУШГАН ЮРТ

Нурота тоғ этакларига ястанган Фориш тумани 1935 йил 9 февралда ташкил этилган бўлиб, унинг ҳудуди Қизилқум саҳросига туташиб кетади. Туманда айна пайда 90 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. 25 та маҳалла, 16 мингта хонадон ва 19 мингта яқин оила мавжуд. Майдони қарийб Жиззах вилояти ҳудуди билан тенг келади. Ҳозир туман маркази — Богдон шаҳарчасида бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари бормоқда, унинг меъморий қиёфаси ўзгармоқда.

Туманининг номи шу ердаги кишлоқ — Фориш номидан олинган. Ривоятларга кўра, соҳибқирон Амр Темури ҳукмронлиги даврида унинг амри билан бир-бирдан обод кишлоқлар қурилиб, Дамашқ, Бағдод, Шероз, Султония, Париж каби дунёнинг машҳур шаҳарлари номи билан аталган. Маҳаллий аҳоли ўртасида Фориш номи билан кишлоқ ҳам аслида Париж номидан келиб чиққан, дейишди. Нима бўлганда ҳам, 6 асрдан кейин Форишнинг бошига бахт қўши қўнди, порлоқ истиқболига тамал тоши қўйилди.

Жорий йилнинг 30-31 январь кунлари Президентимиз Шавкат Мирзиёев Жиззах вилоятига ташрифи давомида Фориш туманини иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш, бу ерда минерал хомашё ишлаб чиқаришни кенгайтириш, туризм салоҳияти ва лалли ерлардан самарали фойдаланишга қаратилган лойиҳалар билан танишган эди.

— Ўзи Фориш имкониятлари бўйича энг бой туманлардан бири. Лекин ҳозир бошқа ҳудудлардан бозор орада. Бу ернинг кишлоқ ҳўжалиғи, геология, қайта ишлаш соҳаларидаги имкониятлари тўғри ишга солинса, аҳоли фаровонлиги, маҳаллий бюджетни ошириш мумкин, — деган эди Президент.

## ҚОРА ЧИРОҚДАН АТОМ ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯСИГАЧА

— Туман маркази бутунлай янгича қиёфа касб этади, — дейди Абдували Мустанов. — Богдон шаҳарчаси марказидаги эски бозор ўрнида қарийб бир гектарлик майдонда «Болалар аттракцион»и парки барпо этилади. Ўрмон ҳўжалиғи маъмурий идораси ўрнида, ушиб турган йирик-йирик арча ва бошқа дарактларни кесмаган ҳолда бир гектар ерда болалар эканарчи бунёд этилади. Шаҳарчадаги барча ташкилотлар ва аҳоли хонадонлари тўлиқ янгиланган канализация тармоғига уланади. Амр Темури кўчасида 5 километр масофада 4 қаторли йўл бунёд этилади. Йўлнинг икки тарафига пйёдалар учун тротуар ва велосипед йўлкаси қурилади. Тадбиркорлар учун қурилаётган бозор ҳудудидан савдо расталари ва дўконлар қуриш учун майдон ажратиб берилди.

Янгиланганлиги кўп. 20 минг гектар ерга оби ҳаёт улашувчи йирик, яъни 700 миллиард сўмлик сув омбори қурилмоқда. Туман марказининг бешта маҳалласига 18 километр узоқликдан 64 миллиард сўмлик лойиҳа асосида тоза ичимлик суви етказиб келинмоқда. Фориш туманида 2017 йил декабрда иш бошлаган «Mega Invest Industrial» кўшма корхонаси базалы тошини қайта ишлаб, базалы толаси ва арматураси ишлаб чиқаришга иктисослаштририлган. Бу ерда 250 ишчи ташкил этилди. Корхона тўлиқ қувват билан ишлаб бошлагач, ишчи сони ҳам кескин қўлайди. Умуман, «Обод кишлоқ» давлат дастури асосида бу йил туман маркази, «Ўзбекистон» ва Эргаш Камолов номли маҳаллаларда 5 та иқтисодий соҳа объекти, 9 та маъмурий бино, 30 та тадбиркорлик субъекти биноси, намунавий тўрт қаватли уй ҳамда 21 та икки қаватли уйлар янгидан барпо этилмоқда ёки таъмирланмоқда. Бу ишларни қисқа муддатда якунлаш учун 600 нафардан зиёд ишчи ва турли техникалар жалб этилган.

Туман ҳудудида тинч мақсадларда фойдаланиш учун мамлакатимизда биринчи марта атом электр станцияси қурилиши режалаштирилган. Атом электр станцияси қуриладиган жой Хонбанди шаҳарчасидан пастроқда, Тузкон кўли яқинида жойлашган. Бу атом электр станциясида 2 та энергия блок ишга туширилади. Улар 2 минг 400 мегаватт қувватга эга бўлади. Атом энергияси экологик жиҳатдан тоза, ис газни чиқармайди, улкан микдорда табиий газ тежалади. Ҳавога карбонат ангидрид чиқарилиши йилга 14 миллион тоннагача қамаяди. Азот оксидлари чиқарилиши эса 36 минг тоннагача бўлади. Биринчи энергоблокни 2028 йилгача ишга тушириш режалаштирилмоқда. Корхонага 1200 дан зиёд мутахассис, маҳаллий ишчи-хизматчилар жалб этилади. Шунингдек, бу ерда шу соҳага иктисослашган институт ҳам очилади.

Туманда амалга оширилаётган ишларга Республик Давлат солиқ қўмитаси, Халқ банки ҳар томонлама қўмаклашиб келмоқда.

**ФОРИШЛИКЛАР ТАҚДИРИНИ ЎЗГАРТИРГАН ТАШАББУС** — Кишлоқ ҳўжалиғидаги ишловхотлар самараси суви исроф қилмаслик, ундан тўғри фойдаланишга боғлиқ, — деган эди Президентимиз Шавкат Мирзиёев Жиззах вилоятига ташрифи чоғида. — Сувга бўлган муносабат ўзгармас экан, ҳосилдорлиқни ошириш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Иорригача ва мелиорация ишларини бугунги кун талаблари даражасида сифатли бажариш вилоятда ҳосилдорлиқни ҳар йили 2-3 центнердан ошириб бориш имконини беради.

Президентимизнинг 2017 йил 28 июлда Фориш туманида Қараман сув омбори қурилишини бошлаш ҳақидаги топириғига асосан туманининг қўшни Зафаробод билан туташ ҳудудида «Резаксойсув-қурилиш» давлат унитар корхонасининг «TUPALANG HPD WATER KONSTRUKTION» масъулияти тақдирини бўлдан ўзгариштириб юборадиган ишга қўли эди. Ҳозир бу ерда 870 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи сув омборини тезроқ фойдаланишга топириш учун туғни тонгта улаб меҳнат қилмоқда.

«Қараман» сув омборини оби ҳаёт билан таъминловчи асосий манба Жанубий Мирзаўл канални ҳисобланади. Сув омбори сатҳи 100 миллион куб метр сув жамағарилишга мўлжалланган. Тўғон айланмаси 6,8 километрга тенг бўлиб, бандилиғи 20 метрни ташкил этади. Сув омбори қурилиши нияҳасида, янги ёнқорлар, узмзорлар, бог-роғлар яратилади. Мева-сабзавотларни қайта ишлайдиган, хорижа экспорт қилладиган бир қатор корхоналар ишга туширилади.

Сув омборининг бунёд этилиши натижасида Фориш тумани ҳудудининг дастлаб 20 минг, сўнг 50 минг гектар ер майдони ўзлаштирилиб, минглаб кишилар иш билан таъминланади. Янги ёнқорлар, узмзорлар, бог-роғлар яратилади. Мева-сабзавотларни қайта ишлайдиган, хорижа экспорт қилладиган бир қатор корхоналар ишга туширилади.

Маҳкамхожи отанинг шикоят баҳонасида Форишга бориб, у кун сарсон бўлганимга энди афсусланмайман. Чунки мен бу ерда, тоғлар орасида қинакам муъжиза яратиқлаётганига гувоҳ бўлдим, форишликлар ўз тақдирини ўз қўли билан ўзгариштиришга қўл қўйди. Шу тонда 85 ёшли Маҳкамхожи отанинг айтганларини эсимга тушди: «Тўнов кунги туман марказига йўлим тушган эди. Вой-бў, шунчалик ўзгариб кетибдики, танимай қолибман. Умрим бино бўлиб Форишда бундай қурилишлар бўлмаган эди. Шу ишларнинг бошида турган ҳокимга айтиб қўйинг, мендан хафам бўлмасин, отасига балли!»

**НУРУЛЛОХ ДОСТОН, «Ўзбекистон овози» муҳбири.**



Қизим, сенга яна бир гапни айтай. Биз эрни бошпанам, деб билганмиз.

## Ўқувчи қизнинг уч сўми...

Ҳалигача ёдимдан чиқмайди, ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталарида мен Қибрай туман ижрокўми раисининг ўринбосари эдим. Бир кун илоят ижрокўмига чақириб қолишди. Ижрокўм раиси ўринбосари, раҳматли Гулнора Йўлдошева қабулига кирганимда, у қўлимга конверт бериб, ичидаги хат билан танишишимни сўради. Унинг ичида уч сўм пул ва туман мактабларидан бирининг учинчи синфиди таҳсил олаётган ўқувчи қизнинг ўша пайтдаги республика раҳбари номига ёзилган мактуби бор экан.

Ўқувчи қиз мактаб авария ҳолатида экани, уни тезда таъмирлаш зарурлиги, аммо тегишли маблағ йўқлиги сабабли, масала ҳал этилмаётгани ҳақида ёзган эди. Шу билан бирга, у республика раҳбаридан ушбу масалада ёрдам беришни ва ўзи шахсан тўплаган уч сўмдан ҳам фойдаланишни илтимос қилибди.

Гулнора Йўлдошева менга ўша қиз билан учрашиш, пулини қайтариш ҳамда айни пайтда мактабни таъмирлаш учун маблағ йўқлиги, лекин ушбу масала назоратга олинган, маблағ бўлиши билан таъмирланишини тушунтиришимни илтимос қилди. Топширик бакарлиди, лекин мактабни таъмирлаш учун маблағ ажратилиш масаласи яна анча пайтгача чўзилди. Чўки молиявий масалаларни ҳал этиш марказдаги раҳбарларнинг хоҳиш-истаги билан боғлиқ эди.

Мана, йиллар ўтиб, Ўзбекистон мустақил давлат бўлди. Барча масалалар ўзимизда, жойида ҳал этилмоқда.

Мамлакатимиз тобора чирой очиб, халқимиз ҳаёти борган сари фаровонлашиб бормоқда. Нафақат шаҳар ва туманлар, балки мамлакатимиз энг чекка ҳудудларидаги аҳоли яшаб жойлари ҳам обод бўлмоқда. Ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор берилмоқда, янги янги мактаблар, лицейлар қурилмоқда, мавжудлари замон талабларига мос равишда таъмирланмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев яқинда Тошкент вилоятига ташрифи чоғида Бўка туманида ҳам бўлиб, жамоатчилик ва ўқувчи ёшлар билан учрашган эди. Ўшанда Бўка туманидаги 27-умумтаълим мактаби ўқувчиси Фазилат Ҳикматилла қизи Ёкубова давлатимиз раҳбари олдида ўзининг «Беш ташаббус» номли шеърини ўқиб берди. Бу ҳолатни телевизор орқали кўриб, жуда таъсирландим, кўз ўнгимга ўша, давлат раҳбарига конвертда уч сўм пул юбориб, нураётган мактабини янгилаб беришни илтимос қилган ўқувчи қиз қиёфаси гавдаланди.

Фазилатнинг шеъри Ватанимиз, халқимиз ҳамда Президентимизга нисбатан бўлган муҳаббати ва фахрлиниш туйғуларига йўғрилган эди. Фазилатон шеърини ўқиб бўлган, ҳамма қарсақ чалиб юборди. Бу олиқлар нафақат ушбу қизнинг истеъдодига, балки бутун ўсиб келаётган ёш авлодга — келажак эгаларига, аталган эди.

Бугун фарзандларимиз ҳар томонлама ривожланган, баркамол авлод бўлиб вояга етмоқда. Янги мактабларни қуриш, уларни таъмирлаш масаласига ҳамхўрлик қиладиган ҳукуматимиз бор. Шуларни ўйлар эканман, яқинда Қибрай марказида очилиб, ишга туширилган «Беш ташаббус» мажмуаси кўз олдимда намоён бўлди. Бу ҳам эзгу мақсад йўлида бошланган ташаббуслар қўллаб-қувватланаётгани ва амалга оширилаётганининг ёрқин намунасидир.

**Носир ТОЙРОВ,**  
меҳнат фахрийси,  
журналист.

### КАДРИЯТ

# МОМО

Хатосини тушунмайдиган одам йўқ, гап ким ва қандай тушунтиришида.

Чорбурч уй айвонидаги супада чўқур ҳаёлга чўмиб, чой ҳўплаб ўтирган Кунсулув момо набира келинининг ичкари хонадан келаётган қаттиқ-қаттиқ овозини эшитиб, сергакланди. Ҳаёлидан ўтган сўров тилига кўчиб, — Ҳа, нима гап, тинчликми? Нима бўлди?, — деб товус берди.

Сўнг, бир зум ўтиб-ўтмай уйдан шитоб билан чиқиб келган набираси — Қодирга савол назари билан қаради. Набира бўлса: — Эна, бунингизга насихат қилиб қўйинг, йўқ жойдан жанжал чиқаради. Ойлик олай обераман, ўша айтган қўйлагини, сабр қилиб турсин... Мен ишга кечикяпман, деганича, жўнаб кетди.

Ажаб, келиннинг бу қилиги ҳавасми ёки ҳасад? Бировнинг устида нарсга кўрса, менга ҳам дегани нимаси бўлди?, — деб ўзига-ўзи савол бериш асосида, ҳаёлан ёшлигига қайтди. Уст-бош эмас, балки бир бурда нон илпичида бошдан ўтказган оғир кунлари бир-бир кўз ўнгидан ўта бошлади.

Ичкаридан боласини кўтариб чиқиб келган, қоғоги солиқдан-солиқ келин:

— Эна, болангизга керак эмас эканман, мен кетаяпман,-деди. Кунсулув момо, «Ё товба! Товба-де-болам!», — деганича ўрнидан турди. Эвараси онасининг елкасига бош қўйиб ухлаётганига кўзи тушиб, «Қизим, боланг ухляпти экан, чўчиб тушмасин, жойига ётқизиб чиқ. Сенга айтар гапим бор», деб қайта жойига ўтирди. Шунда-да, келиннинг, нима гапингиз бор, гапираверинг эшитаман, дегандай хўмрайиб турганини кўриб, «Боланг ухлаб олсин, менинг-да гапимни эшит, сўнг... сўнг кетсанг ўзинг биласан,-деб бироз зардали гапирди. Шу гапи кор қилди шекилли, келин ичкарига кириб, боласини ётқизиб чиқиб, супа четига омонат қўнди.

Ерга қараган ҳолда дастурхон попуғини қўлида эғиллаб-эғиллаб ўз ҳаёлига ўзи банди бўлиб ўтирган момога қараб туриб-туриб, сабри чидамаган келин биринчи бўлиб ўзи сўз қотди: — Эна, ўғлингиз билан уришиб қолдик, мен кетаман!


Момо бошини кўтарди, келинига боқиб турсада, уни кўрмаётгандай бир нуктага тикилган куйи: — Болам, эр-хотин уришманглар,-деди. — Тинч ва тўқчилик замонада яшаётганларинг шукронасини қилинглр. Эҳ,

### СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА

**Дунё статистикаси бўйича ҳомиладорликда шошилмич хирургик амалиёт ўтказишнинг талаб этадиган ўткир аппендицит уч мингтадан бир ҳомиладорда кузатилади. Бу касаллик 50 фоизга яқин ҳолатда тахминан ҳомиладорлиқнинг II ярмида, қолган 50 фоиз ҳомиладорлиқнинг I ва III ярмида учрайди.**

Бундай ҳолатда "ўткир қорин" симптомлари кўриниши ҳомила сувининг гормонал, метаболик ва физиологик ўзгаришлардан сўнг касаллиқнинг субъектив белгилари келиб чиқади. Ўткир аппендицит клиникаси ўзгаришининг ривожланишида унинг асосий мазмунини қорин олдинги девори мушакларининг релаксацияси ва ички органларнинг силжиши, чувалчангсимон ўсимта ва кўр ичакнинг краниал силжиши, қорин пардасининг кўтарилиши ва ўсимтанинг силжитиши, ўсимта катта қарви фондида жойини ўзгаришиши қабилар билан боғлиқ.

Ҳомиладорлиқнинг иккинчи ярмида келиб чиққан ўткир аппендицитнинг энг ёрқин ифодаси унинг типик формада кечишидир. Касаллик ўсимта жойлашган жойига кўра (ўнг ёнбош — чов соҳаси, ўнг қовурга ости соҳаси)да доимий характердаги, қоринда тўсатдан келиб чиққан оғриқ билан бошланади. Ҳомиладорликда ўзига хос диагностика аҳамиятта эга бўлган субъектив белги, яъни, тез-тез кўнгил айланиш ва қайт қилиш бўлиб туради, лекин бунчи ҳомиладорлиқнинг ўрта



болаларим-а, болаларим! Бизнинг бошимизга тушганини... сизлар ҳеч қачон кўрманглар,-деди ва бир дам жим қолиб, яна гапга тушди:

— У киши билан турмуш қуриб, етти ойча бирга яшадик. Қария қайнота-қайнонам, эрим ва икки қайн-синглим билан тинчгина яшаб юрганамизда уруш деган бало бошланди. Эрим биринчилардан бўлиб урушга кетди. Тўрт ойча ўтиб хат олдим, урушни тез тугатиб қайтаман, қара, ота-онам, сингилларим сенга омонат, дебди.

Мен, фарзандли бўлганимни, барча айтганини бажаришимни ёздим... Лекин билмайман, қизим, мен ёзган хат у кишига етиб бордимми-йўқми, У қизчали бўлганлигини билиб, нариги дунёга кетдимми, билмай кетдимми, бошқа ўзидан хат олмадим... зор-интизор кутиб юриб-юриб олганим қора хат бўлди...

Уруш ҳам чўзилгандан-чўзилди. Одамларда ҳеч вақо қолмади. Бир бурда нон-чучуқдан-чучуқ, гоҳи тилпогада топилмас азиздан-азиз неъмат бўлди. Ўт-ўлан, кепак-кунжара элнинг асосий озиғи бўб қолди. Эсиз-эсиз-а, қанча ота-она ҳам, не бир навжувонлар очликдан нобуд бўлди.

Бир мен ва қайнсинглимнинг баҳор-ёз бўйи ер қолиб, ўроқ ўриб олган иш ҳақимиз-бир-иккита зор-ғора қулча, ё бир коса, ярим коса атала оиладаги олтов ерман-ичарманга гоҳ етар, гоҳ етмас бўлди. Қайнота-қайнонам фарзандидан айрилганига қаттиқ куйди. Ҳам икки қизи ва менга бўлишиб, яхши овқат эмас, кундан-кун ортага кетар бўлиб юриб-юриб, бирин-кетин оламдан ўткиб кетди. Сўнг, 11 ёшли норасида-чиқиб қайнсинглим ҳам кунжара еб қорни шишиб оламдан ўтди. Угинаши шу уйдан қўлимда кўтариб чиқдим, бекафан, эски-туски латтага ўраб, ерга қўйдим, ўз қўлим билан устига тупроқ тортидим. Ана шунда,

қизим, мен охириги марта йиғладим.... Тўйиб-тўйиб, айтиб-айтиб йиғладим, энди қайтиб йиғламайин, э худо, энди йиғлатма, деб-да йиғладим...

Ана шунда, қизим, мен сенинг ёшиңда эдим...

Ҳе, қизим, бу бош неларни кўрмади дейсан, лекин мен шундан кейин йиғламадим қизим. Оллоҳга шукр қилдим, ёлғиз қолган қайнсинглим, қизим ва ўзим очдан ўлмаслигимиз учун кеча-кундуз тиним билмадик. Мен сабр қилдим, болам, сабр. Уруш деганлари ҳам ту-габ, қайнсинглимни узатдим. Кейин, қизим-сенинг қайнонангнни воғга етказиб, тўйини кўрдим, фарзандларини кўрдим. Эгамнинг қарами кенг, болам, қара, ўзи қандай ёруғ кунларга етказди... Мана, набира келин бўлиб сен келдинг, қўлингдан чой ичиш на-сиб қилди, Ўзига шукр...

Сабр қилмаганларда бўлди, болам. Ким бировлар бир бурда нон учун, ё бир шапалоқ матони деб ўзларини ҳар мақомга солиб кўрди, айрими эл учун қон кечиб юрган эрига хиёнат қилди, қай бири боласини ташлаб кетди...

Эл, «Сабрнинг тағи сариқ олтин», деб бекор айтмайди. Сабр-қаноатда, шукроналикда гап кўп, болам. Сабр қилган одам, бугун эришмаган нарсасига эртага эришади. Айрим, ушаламаган орзу-ниятларга фарзандларни етиштиради. Яхши ёмоқ-ичмоқ ва қийинчиликнинг ҳам ўз ўрни, ортиқчасининг сўрови ҳам бор, болам. Лекин ҳоҳ-ҳаваснинг охири йўқ. Сизлар эрхотин барча нарсда сабр-қаноатли бўлинглар, болам!

Қизим, сенга яна бир гапни айтай. Биз эрни бошпанам, деб билганмиз. Етти ой бирга яшаб, бир бор эримнинг кўзига тик қарамадим... у кишини ҳалок бўлди, деган хатга-да ишонмадим. Доим эшикка кўз тикиб, номини, хотирасини кўксимда асраб

яшадим. Нима иш қилар бўлсам, го-йбона бўлса-да, у кишидан сўраб қилдим.

Ҳали-хануз доғдаман, чин дунёда у кишига қандай жавоб бераман, қўлимдан омонатларини очликдан асраш, ажалнинг қўлидан олиб қолиш келмади...

... Мен қари кампирни кўй, қизим, сен бир умрлик йўлдошинг, бошинг устидаги соябонинг, болангнинг отаси бўлган эрингнинг хизматини қил, унинг кўнглига қара. Эр, кези келса тергайди, кези келганда-эркалайди. Сен, ҳар қандай ҳолатда ҳам оғир бўл, қизим!

Эр-хотин замоналарининг, бу тўқинлик, хотиржамликнинг қадрини билинглр. Илоҳим, биз кўрган оч-лик, хорлик ва жудалиқни сизлар кўрманглар, дейман, болам. Ана шунда, бахтларинг бутун бўлади. Ана шунда, мен ҳам сизларга бурилмай у кишининг олдига кетаман...

Сенга айтмоқчи бўлган гапим шу болам, бўёгини энди ўзинг биласан...

Момо, шу гапларни гапириб, кўз кири узоқларда, ҳаёл суриб туриб қолди. Келиннинг юзлари қизарди, кейин ўрнидан туриб, момони қучоқлади, «мени кечиринг, катта эна, ҳамма айтганингизни қиламан, ҳеч қаёққа кетмайман, деб, бошини энасининг елкасига қўйиб, пиқ-пиқ йиғлади.

Момо қизининг елкасидан қучиб айтди: — Қизим йиғлама, бесабаб йиғи қулфатни чакиради, уткинчи қийинчиликларга йиғлар бўлганимда, нақ ярим умримни йиғлаб ўтказиб юборган бўлар эдим. Сизлар, қулиб яшанглр, болам...


Эна-бола, худди узоқ жудалиқдан сўнг қўришган инсонлардай қучоқлашган ҳолда узоқ туриб қолдилар. Сўнг, бола йиғисини эшитган келин маман жилмайди, ўрнидан туриб, боласи ёнига шошилди...

Холмўмин ЁДГОРОВ

## Ҳомиладор аёлда ўткир аппендицитнинг кечиши

ёки оғир даражадаги токсикозидан фарқлашимиз зарур. Ҳомиладор бўлмаган беморларда қайт қилиш ва кўнгил айланиш 1-2 марта бўлиши ёки умуман бўлмаслиги ҳам мумкин, 35-40 фоиз беморларда юрак уриши бир минутда юзтадан ортиши, 20 фоиз беморларда тана ҳарорати 38 С дан ошиши кузатилади. Фақат ҳомиладорларнинг ярмида, аппендицитда қорин олдинги девор мушакларининг кўринариги тортишиши кузатила-маслиги ва касаллиқнинг бош-қа симптомлари келиб чиқмаслиги мумкин. Беморни текширишда қалқанча ётган ҳолатда, ўнг ёнбошдан чап ёнбошга жойини ўзгартирганда қоринда оғриқни қучайиши (Тараненко симптоми) ва чап ёнбошдан ўнг ёнбошга айланганда ҳам оғриқнинг қучайиши (Алдер симптоми)га эътибор бериш керак. 60 фоиз ҳомиладорларда лейкоцитознинг қучайиши 15\*10<sup>9</sup>/л кузатилади. Ўсимта визуализацияси учун уни УТТ (ультратовушли текширув) қилиш керак.

Ҳомиладор аёлларда ўткир аппендицитнинг кечиши одатдагидан фарқли эмас, лекин диагностикаси бироз қийин бўлади. Буни ташхислашда нейтрофил-лимфоцит коэфффициенти (Калф-Калиф лейкоцитлар интоксикацион индекси) ва тромбоцит-лимфотсит коэфффициенти муҳим роль ўйнайди. Бундан ташқари, ҳомиладорлик давомида ўткир аппендицитнинг диагностикаси учун касаллиқнинг одатдаги диагностика индикаторларига қараб баҳоланди. Масалан, ёш, ҳомиладорлик



ёши, оқ қон таначалари, Ал-варардо кўрсаткичи, С-реактив оксил, лимфотситлар миқдори.

Минимал инвазив терапиянинг қўллаб қўлайликлари ҳомиладор аёлларнинг жароҳлик амалиётларида фойдаланилади. Ҳомиладорлик давомида лапароскопик жароҳлик ютуқларидан кенг фойдаланиш мумкин. Ҳомиладор аёлни даволаётган хирург ҳомиладорликдаги физиологик жараёнларни, лапароскопик жарроҳликнинг ютуқ ва кам-чиликларини яхши тушуниши керак бўлади. Ҳомиладорликда бажарилган лапароскопик жараёнларнинг ичида энг кўпи лапароскопик аппендектомия ва ҳолесистозектомия ҳисобланади. Бундан ташқари, ичак тутилиши, ўсмалар экстирпа-

интраабдоминал босимнинг орттишдан мuddатдан илгари туғруқ ва ҳомила ацидозининг ортиши, номаълум сабабларга кўра, пневмоперитонеумга алоқадордир. Пневмоперитонеумдан бачадонда қон оқимининг пасайиши тахминдан бошқа нарсга эмас. Бунда онада талвасага тушиш, йўталиш, давомида тез-тез босим алтерацияларининг стимуляцияланиши унча хавфли эмас, бироқ пневмоперитонеум ҳолесистозектомия ёки очик аппендектомия давомидаги бачадон ретракциясига кўра хавфсиздир. Фетал анормал гемодинамик ўзгаришлар, тахикардия, гипертензия ҳомила гиперкапнияси учун хос.

Она артериял қон таркиби-ни монитор қилишда капнография кенг тарқалган. Лапароскопия биринчи марта 1980 йилда гинекологлар томонидан ҳомиладорларда "ўткир абдоминал оғриқ"ни бартараф этиш мақсадида фойдаланилган. Бунда ўлим даражаси ва шикоятлар ошганлиги бахс-мунозаратга сабаб бўлган. Охириги 10 йил ичи-да дунёда ва мамлакатимизда яратилган ва тақомиллаштирилган тиббиёт техникалари ёрдамида она ва ҳомиладаги жараёнларни физиологиясини аниқлаш осонлашди ва ҳомиладорликда лапароскопик усул хавфсизлиги тан олинди.

**Нилуфар РАЗЗОҚОВА,**  
Тошкент Тиббиёт академияси  
1-сонли акушерлик ва гинекология кафедраси ассистенти.

## Маданий меросимиз — келажак авлод учун

### МАТБУОТ АНЖУМАНИ

**Тошкент архитектура-қурилиш институтида «Ўзбекистон архитектура назарияси, тарихи, ёдгорликларни таъмирлаш ва қайта қуриш муаммолари» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.**

Ушбу конференцияда олий ўқув юр-тлари профессор-ўқитувчилари, илмий-тадқиқот институтларининг илмий ходим-лари, соҳа мутахассислари, бакалавр ва магистрантлар иштирок этди. Тадбир давомида туризм соҳасини ривожлан-тиришда архитектура ёдгорликларининг тутган ўрни, мамлакатимизда маданий мерос объектларини сақлаш ва таъмир-лаш, шунингдек, соҳа учун малакали кадрларни тайёрлаш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини қучайти-риш, тарихий маҳаллар, худудлар ва жойларни келажак авлодга бус-бутун ет-казиш борасида билдирилган тақлифлар муҳокама этилди.

Конференцияда сўзга чиққан Тошкент архитектура-қурилиш институти ректори Равшан Ҳақимов, архитектура тарихи ва назарияси кафедраси профессори, архи-тектура фанлари доктори Дода Нозилов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар акаде-мияси Санъатшунослик институти етак-чи илмий ходими, архитектура фанлари номзоди Абдуманнон Зиёев, Самарқанд архитектура-қурилиш институти док-торанти Нодира Файзуллаева, Бухоро ахборот технологиялари институти док-торанти Иномжон Тожиев ва бошқалар тарихий ёдгорликларда ишлатилган қу-рилиш материаллари, тош қоршамалари ҳамда ўша даврга оид уй-музейларнинг асосий хусусиятлари ҳақида янги маълум-отлар билан ўртоқлашди.

Мамлакатимизда 7500 га яқин маданий мерос объекта-ри мавжуд бўлиб, бу ёдгорликларни ўз ҳолича сақлаб қолиш, улардаги мавжуд безакларни қайта тиклаш, таъмирлаш жараёнида маҳаллий хомашёлардан фойдаланиш, замонавий технология-ларни қўллашга доир муаммоларни ҳал этиш ҳозирги замон талабларининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда, — дейди **архитектура фанлари доктори Тоҳир Маматмусаев**. — Қадимий ша-ҳарларимиз — Самарқанд, Хива, Бухоро, Шахрисабз ўзининг қурилиш ва компо-зицион кўринишлари билан ЮНЕСКО рўйхатида киритилган. 2018 йилнинг 19 декабрида Президентимизнинг қарорига мувофиқ Маданий мерос департаменти тузилди. Унинг тасарруфидаги объект-ларга бўлаётган бу каби эътибор туфай-ли, уларни лойиҳалашда маълум тарихий имкониятларга таяниб иш қўриш салмоғи ортди. Натижада биргина Самарқандда-ги шундай объектларнинг 159 таси қайта лойиҳалаш режасига киритилди.

Фанлар академиясининг Санъатшу-нослик институти меъморлик бўлими мудирини, архитектура фанлари доктори Мавлуда Юсупова Имом ал-Бухорий, Махдуми Аъзам, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдулҳалиқ Ғиждувоний каби хадисшу-нос олим ва тасаввуф илмининг на-моёндалари қўним топган зиёратгоҳлар-ни қайта тиклашдаги ютуқ ва камчилик-лар ҳақида гапирди. Хусусан, 2003 йилда Абдулҳалиқ Ғиждувонийнинг 900 йиллик юбилейи муносабати билан тарихий қабр бузилиб, ўрнига қимматбаҳо тошлардан рамзий қабр қурилган. Уйламай-нетмай қилинган ушбу ҳаракат туфайли маъзур қабрнинг тарихий кўринишига путур ет-ган.

— Мен конференцияда "Тасаффуф хонақоҳлари архитектураси" мавзуси-да ёзган мақолам билан қатнашдим, — дейди **Тошкент Архитектура-қури-лиш институти 2-босқич магистранти Нилуфар Мўминходжаева**. — Илмий мақола учун бир йилдан ортиқ вақт мобайнида ўлчов амалиётлари, архив ҳужжатларини ўрганим ва талланган объект жойлашган худудда иш олиб бордим. Мақсад — бинолар қурилишини уларнинг тарихий мавқеига путур етказ-маган ҳолда замонавий тарзда рестав-рация қилишдан иборат ва бу тарихий ёдгорликларимизнинг эртанги авлод учун бус-бутун етиб боришига кафолат бўлади.

Кўннинг иккинчи ярмида шўъба маж-лислари бўлиб ўтди. Анжуман доирасида илмий мақолалар танлови ғолиблирига махсус сертификатлар, илмий мақола-лар тўпламлари топширилди.

**Чўлпоной АҲМЕДОВА,**  
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникация университети талабаси.



# Бирдамлик, ҳамжиҳатлик тил ва миллат танламайди

Минтақавий ҳамкорлик, миллатлар-аро, динлараро бағрикенглик, дўстлик, биродарлик, узаро тенглик ва адолат. Бу сўзлар мамлакатимизда бошланган Халқаро бағрикенглик ҳафталиги давомида бот-бот тилга олинади. 11-16 ноябрь кун-лари бўлиб ўтадиган ҳафталиқни ОАВ ҳодимлари учун ўтказилган матбуот ан-жумани бошлаб берди.

Миллий муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалар-и кўмитаси раиси Рустам Қурбонов бир ҳафта давомида ўтказилиши режа-лаштирилган тадбирлар ҳақида батафсил маълумот берди. Таъкидландики, ҳафта-лиқни ўтказишдан мақсад аҳоли, айниқса, ёшларнинг ислохотларга дахлдорлигини ошириш, юртимизда истиқомат қилаётган миллатлар тили, маданияти, аъёналари ва урф-одатларига ҳурмат билан муноса-батда бўлиш, уларни асраш тушуналпа-рини шакллантиришдан иборат.

Анжуманда, шунингдек, мазкур йў-налишда амалга оширилаётган ишлар, миллатлараро тотувлик, тинчлик ва оқийишларини таъминлаш борасидаги чора-тадбирлар ҳақида атрафлиқ сўз юритилди. Хусусан, **Вазирлар Маҳка-маси ҳузурлиги Дин ишлари кўмитаси раиси Абдуғаффор Аҳмедов** диний бағ-рикенгликни таъминлаш жамият тарақ-қиятининг асоси эканини таъкидлади. Бу борада олиб борилаётган ислохотларга тўхталиб ўтди. Қўрунчилигимизда тили, дини, ири, миллати ва иқтимоий келиб-чигишидан қатъи назар барча фуқаролар тенг ҳуқуқлиги белгиланганини алоҳида қайд этди. Фаолияти йўлга қўйилган диний муассасалар, масжид, мадрасалар, чер-ковлар ва уларда яратилган шарт-шароит ҳақида кенг тушунча берди.

— Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва эл вакиллари бир оила фарзандларидек ахил-иноқ яшаб ке-лаётгани ҳеч кимга сир эмас, — деди **Халқ**



**таълими вазири ўрибосари Дилшод Кенжаев.** — Биргина таълим соҳасини оладиган бўлса, республикамизда фао-лият юритаётган 10 минга яқин умумтаъ-лим муассасаларида 6,5 миллионга яқин турли миллатга мансуб ўғил-қиз ўқийди. Уларда давлат таълим стандартларига мувофиқ 7 тилда, яъни қорақалпоқ, қозоқ, рус, тожик, қирғиз, туркман ва ўзбек тил-ларида дарс берилди. Фарзандларимиз-нинг тулақлиги билимга эга бўлиши учун дасриқлар ҳам 7 тилда нашр этилади ва мактабларга етказилади.

Ўқувчиларга миллатлараро тотув-лик, диний бағрикенглик тушунчаларига йўрилган дарс соатлари жорий этилган. Турли миллий қадриятлар, аъёналар ва урф-одатлар, адабиёт номонаҳдаларининг асарлари ургатилади. Миллий байрамлар кенг миёёда нишонланади.

Анжуманда, шу билан бирга, савол-жавоблар ҳам бўлиб ўтди. Унда журна-листлар кўмита томонидан олиб бори-лаётган ишлар ҳамда ҳафталик доираси-

да ўзларини қизиқтирган саволларга жа-воб олди. Биз эса турли миллий маданий марказлар фаолияти билан қизиқдик.

— 20 йилдан буён мазкур йўналишда ишлаб келаман, бироқ бугунгидек кенг кў-ламли тадбир биринчи марта ўтказилмоқ-да, — дейди **туркман миллий-маданий маркази раҳбари Бибисора Режепова.** — Фаолиятимизнинг асоси миллий урф-одат ва аъёналар, тилимиз, динимиз ва қадриятларимизни асраб-авайлашдан иборат. Шу билан бирга, ёшларни мазкур йўналишдаги ислохотларга жалб қилиш, уларни ватанга муҳаббат ва садоқат руҳи-да тарбиялаш ҳам устувор вазифалари-миздан саналади.

Аслида туркманлар ва ўзбекларнинг тили ва тарихий илдизлари яқинлиги, шунингдек, иккала халқ учун умумий бўлган эпос, афсона ва халқ дostonла-ри бирлаштирилади. Биз ўзимизнинг қўл асриқ маданиятимиз ва аъёналари-миз сақлаган ҳолда Ўзбекистоннинг қўл-миллатли ягона оиласига уйғун тарзда

қўшилиб кетганмиз. Тўғри, бу борада қи-линганд ишлар кўп. Бироқ баражариши-миз керак бўлган вазифалар ундан ҳам кўпроқдир. Чунки биз турли минтақа-ларда мафҳуравий таҳдидлар, низолар авж олган бир замонда яшамоқдамиз. Ана шундай даврда биздан янада зий-раклик, ташбўсқорлик ва фидойилик талаб этилади. Аввало, юртимиздаги тинчлик ва тотувлиқни сақлаш, ҳар қан-дай гоъвий таҳдидларга қарши иммуни-тетни шакллантириш орқали ватанимиз равақи учун ҳисса қўйишимиз лозим. Бунинг учун қўлимиздан келган ҳаракат-ларни аямаймиз.

Анжуман иштирокичилари режага му-вофиқ Шомаҳмудовлар оиласи ҳайкали пойига гул қўйиш учун пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги майдонига боришди. Халқимизнинг бағрикенглиги, болажон-лиги намунаси бўлган оиланинг хотира-сига илиқ ва самимий гаплар айтилиди.

Куннинг иккинчи ярмида манзил Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси томон йўналтирилди. У ерда “Ўзбекис-тон — умумий уйимиз” фестивали лау-реатларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда республика бўйлаб ўтказил-ган аъёнаний маънавият ва санъат байрамининг иштирокичилари шаънига эътирофлар билдирилди, голиб ва сов-риндорлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

— Биласизми, айни пайтда бизга ай-тиш учун жуъли сўз ҳам тополмаялман, — дейди **“Авдет” номли крим-татар миллий маданий маркази қошидаги “МашАллаҳ” вокал чоғу ансамбли раҳбари Алим Усеинов.** — Мазкур фестиваль бир неча йиллардан буён аъёнаний тарзда ўтказилиб келина-ди. Бироқ ҳар гал мана шундай ўзгача ҳаяжон, кўтаринки кайфият ва албат-та, алоҳида тайёргарлик билан уни ни-шонмаймиз. Фаолиятимизнинг асосини

бирдамлик, дўстлик алоқаларини яна-да мустаҳкамлаш масалалари ташкил этади. Биз халқимиз ва унинг тотувлиги учун қўлайимиз, тинччилигимизни мадҳ этамиз.

Репертуаримизда крим-татар мил-лий куй-қўшиқларидан ташқари бошқа тиллардаги ижролар ҳам ўрин олган. Масалан, озарбайжонча “Чал чал”, арманча “Каро”, тожикча “Эй санам”, “Дилбарим” ва қўлгина ўзбекча куй-қў-шиқларни ҳам, рақсини ҳам юракдан ижро этамиз. Шу ўринда бир нарсани айтишни истадим. Бу йил бизнинг ан-самбл ташкил топганига 25 йил тўлади. 2020 йилнинг февраль ойида кенг ми-қёсда нишонлашни режалоштиряймиз. Бу йилги фестивалда голиб бўлганимиз 25 йиллик юбилей учун муносиб совға бўлди, деб айта оламан.

Шунингдек, галереяда фестиваль иштирокичилари, расомлар ҳамда ёш ижодкорлар асарлари кўргазмаси очил-ди. Унда маҳоратли расомлар, миллий маданий марказлар ёш ижодкорлари-нинг мавзуга доир бадий асарлари на-мойиш этилди.

Бугун ҳафталикнинг иккинчи куни. Навбатдаги тадбир Алишер Навоий но-мидаги ўзбек тили ва адабиёти универ-ситетига бўлиб ўтади. У ерда миллий маданий марказлар ва дўстлик жамият-ларининг фуқаролик форуми ўтказила-ди.

Форумда миллий маданий марказ-лар ва дўстлик жамиятларининг фао-лияти, тизимдаги ютуқ ҳамда муам-молар, хорижий мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш борасида фикр алмашилади. Шунингдек, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамият-ларига оид амалдаги қўрунчилиқни та-комиллаштириш масалалари муҳокама этилади.

Бундан ташқари, кеч соат 17:00 да “Туркистон” санъат саройида “Ўзбекис-тон — умумий уйимиз” шиори остида санъат усталари, миллий маданий мар-казлар қошидаги бадий жамоалар, ҳа-васкор гуруҳларнинг миллатлараро то-тувлик ҳамда бағрикенгликни тараннум этувчи музика чийишларидан иборат гала-концерти бўлиб ўтади.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,** “Ўзбекистон овози” мухбири.

## МЕНИНГ ТАКЛИФИМ

# Ўзбекистондаги тесол дастури асосчиси

2018 йил март ойида шу курс-га мамлакатимиздаги талабни ўрганиб чиқдим. Беш ойлик изла-нишлардан сўнг мен интернет ор-қали “ИТТИ” (Интернационал ТЕ-СОЛ/ТЕФЛ Тренинг Институте) ташкилотига таклиф билан ало-қага чиқдим. Уларга Ўзбекистонда ТЕСОЛ курсига эҳтиёж катталиги-ни исботлаб бердим. Шундан сўнг улардан розилик хатини олдим. Кейин контракт асосида “ИТТИ” ташкилотининг ТЕСОЛ курси учун рухсатнома, яъни, лицензияни қўлга кўридим. Шундай қилиб Американинг **ИТТИ** компанияси билан расман ҳамкор бўлишга эришдим. Қўп изланишлардан сўнг Ўзбекистонга Тесол дастури-ни олиб келишни муваффақиятли уддалади.

Китоблар, керакли материал-лар ва маълумотларни Америк-адан олдим ва рекламани 2018 йилнинг декабрь ойидан бошла-дим. Курсда ўқиш истагини бил-дирган номзод энг камида 18 ёшга тулган бўлиши ва инглиз тилини билиши даражаси ўрта ҳолдан яхши бўлиши лозимлиги шарт қўйилди. Шундан сўнг 2019 йил январь ойидан ёшларни дастур асосида ўқитишни бошладик.

Мен курсга озгина ўзгарти-ришлар киритдим, яъни, 120 соат-лик курсни 6 ҳафтага узайтирдик ва ҳафтада 5 марта 4 соатдан дарс жараёнини туздим. Қўрунги Тошкентдаги расмий нархи 1300 АҚШ долларини ташкил этади. Бу бошқа давлатларга нисбатан анча арзон. Курсга қизиқанлар Америка ёки бошқа давлатларга бориб ўқиса ҳам айнан Ўзбекис-тондагидаги бир хил сертификат берилади. Ҳамама сертификатлар Америкада расмий аккредитация-дан ўтказилади.

Уни битирганлар Америка

ва Европа стандартлари бўйича дунёнинг турли хил нуқталарида тан олинган. Ҳозиргача Американи-нинг 10 дан кўп штатида, Лондон, Париж, Боку, Мумбай ва Дубай шаҳарларида фаолият кўрсатаёт-ган ТЕСОЛнинг Марказий Осиёда-ги илк бўлими Ўзбекистонда ташкил этилиши бизнинг фахримиз.

Мазкур курс сертификати қўл-гина ривожланган давлатларда тан олинган бўлиб, мактаб ва бошқа таълимга оид ташкилотларда қат-тиқ талаб қилинади. Ҳозирги кунга-ча бизнинг курсни 30 га яқин ўқиту-чи муваффақиятли битириб чиқди. Менинг таклифим, ушбу дастури-ни барча ўқув марказлари, хусусий мактаблар ва Президент мактабла-рига таъбиқ этилса, келажакда жуда яхши натижалар беради.

Биз 2020 йилдан япониялик ўқитувчиларнинг инглиз тилидан дарс бериш сифатини яхшилаш мақсадида ТЕСОЛ курсида ўқи-тиш бўйича ўзаро шартнома туз-ганмиз. Шунингдек, Япония, Сау-дия Арабистони, Корея ва Хитой давлатларидан малакали устоз-лар юбориш бўйича берилган так-лифлар ўрганиб чиқилмоқда.

Қўшимча қилиб айтганда, бу курснинг фойдали жиҳатлари кўп. Чунки бу курсни ўқитилиш жараё-ни жуда ҳам ўзгача бўлиб инглиз тилини онсонида ўрганишга ва ўргатишга қўмақлашади. Биз юр-тимиздаги инглиз тили ўқитувчи-ларига ТЕСОЛ курси учун кенг эшик очиб берсак, бу билан таъ-лим соҳасини янада ривожлан-тиришга ёрдам берган бўламиз. Туризм соҳасида ҳам чет элдаги сайёҳларни қўлай нархларда ТЕ-СОЛ курсларига жалб қилиш бў-йича иш олиб бораёмиз.

**Муҳаммадjon РАСУЛОВ,** Тошкентдаги халқаро Вестминстер институти 4-курс талабаси.

РЕКЛАМА

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛК БОР

Марказий Осиё қиличбозлик Конфедерацияси ташаббуси билан Тошкентда

### «ОСИЁ ҚИТЪАСИДА ҚИЛИЧБОЗЛИКНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИ»

мавзусида халқаро конференция ўтказилади

Халқаро анжуманнинг очилиши 2019 йил 17 ноябрь куни соат 10:00 да «International» меҳмонхонаси мажлислар залида бўлиб ўтади.

## ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3Т, 4.5Т, 9Т.

**ГАРАНТИЯ 1 ГОД**

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05. E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

# O'ZBEKISTON OVOZI

**MUASSIS:**

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY'ATI:**

|                   |                        |                                      |
|-------------------|------------------------|--------------------------------------|
| Ulug'bek INOYATOV | Qalandar ABDURAHMONOV  | Hayotxon ORTIQBOYEVA                 |
| Ulug'bek VAFOYEV  | Guliston ANNAQILICHEVA | Farrux HAMROYEV                      |
| Mahmud TOIR       | Muslihidin MUHIDDINOV  | (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari) |
|                   | Shuhrat JALILOV        |                                      |

**Qabulxona** — (71)233-65-45  
**Xatlar va murojaatlar uchun** — (71)233-12-56  
**Reklama va e'lonlar uchun** — (71)233-47-80, (71)233-38-55  
**E-mail:** info@uzbekistonovozi.uz

**MANZILIMIZ:**  
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.  
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.  
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1151. 3368 nusxada bosildi.  
Nashr ko'rsatkichi — 220.  
t — Tijorat materiallari  
O'za yakuni — 22:10.  
Topshirilgan vaqti — 01:40.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:  
**Ravshan SHODIYEV**  
Sahifalovchi-dasturchi:  
**Zafar BAKIROV**

ISSN 2020-7633

Газетанинг электрон сифатсизаси ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5